

БИРДАМЛИК ВА ҲАМЖИХАТЛИК ХАЙРЛИ ИШЛАР АСОСИ

Талбирлар, тарбиявий аҳамиятга эга учрашув ва суҳбатлар
инсонларни бир-бирларига яқинлаштиради.

4 бет

БЎЙДОР, БАҚУВВАТ ВА ЧИНИҚҚАН ЁШЛАР

Замонавий спорт мажмуаларидаги тўғаракларда
войага етмоқда

7 бет

ОТА-ОНАГА МУҲАББАТ ЭНГ ЯХШИ ФАЗИЛАТ

Ўзбек фарзанди учун ота ёки онасини қариялар уйига
олиб бориш уят, таъбир жоиз бўлса, гуноҳ
ҳисобланади.

8 бет

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

Маҳалла

9 (715)

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри

2010 йил 4 март. Пайшанба

ISSN 2010-7013

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

МЕҲРИБОН, МУНИС ВА МЎЎТАБАР

Баҳорни фасллар келинчаги, дейишади. Кўклар ўзининг файзли байрамлари билан ҳаммани мафтун этади. Эрта-индин юртимизда меҳрибон онажонларимиз, азиз ва мўътабар опа-сингилларимиз байрами — Халқаро хотин-қизлар кuni нишонланади. Баҳор ва Аёл тушунчаларини бир-бирдан айро тасаввур этиш мумкин эмас. Бу икки сўз замирида ҳаёт абадийлигига ишонч, пок орзу-умидлар, меҳр ва муҳаббат мужассам.

Инсонпарварлик, ватанпарварлик, юртпарварликдек покиза туйғулар фарзандларнинг мурғак қалбига, онг-шуурига она сути билан киради. Инсон зоти борки, она сути ва ўнинг бетакдор алласи билан улғаяди. Инсон зоти борки, оламдаги барча яхшилик ва эзгуликларни, ҳаёт сабоқларини она меҳри, она саховати туйфайли ўрганади. Шунинг учун ҳам, дунёдаги энг муқаддас Ватан, юрт каби сўзларга она сўзини қўшиб айтаемиз. Дарҳақиқат, аёлини улуғлаган, унга меҳр кўрсатган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди. Юртбошимиз аёллар ҳақида гапириб: «Аёлни улуғлаш — оилани, ҳаётни, Ватанни улуғлаш демакдир. Бу ҳақиқат ҳар биримизнинг дилмизига жо бўлиши, барча хайрли ишларимиз-



нинг мезонига айланишини истардим», деган эди. Халқимиз азалдан аёлларни эъзозлаб, ардоқлаб, шарафлаб келган. Айниқса, истиқлолга эришганимиздан сўнг хотин-қизларимиз учун барча соҳаларда кенг йўللار

очилди. Президентимизнинг 2004 йилнинг 25 майидаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борада дастуриламал бўлмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАСИ

ГУЗАРДАГИ ГУРУНГЛАР > [8]

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ УЧУН

МУСТАҚИЛ юртимизнинг илк ордени — «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилганига 17 йил тўлди

Истиқлолнинг дастлабки йилларида юртимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом авлодни воёга етказишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётди. Ватанимизнинг илк ордени «Соғлом авлод учун», деган ном билан аталишида ҳам чуқур рамзий маъно мужассам.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 1993 йил 4 мартдаги фармони мувофиқ таъсис этилган «Соғлом авлод учун» ордени мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш борасида амалга оширилаётган улкан ишларни шарафлаш, муносиб рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Бинобарин, бу йўналишдаги барча эзгу савъ-ҳаракатлар бугун ўзининг юксак самараларини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилиб ҳаётга изчил татбиқ этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни касб-хунарга йўналтиришнинг яхлит механизми шаклланди. Юртимизнинг барча ҳудудларида қад ростлаган, замонавий ўқув ускуналари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ёшлар-



нинг билим олиши, соғлом ва баркамол бўлиб улғайиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Соғлом авлодни тарбиялашда спортнинг ўрни беқиёс. Шу боис ҳам мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, ёшлар ўртасида спортнинг барча турларини оммалаштиришга катта эътибор қаратилаётди. Ёш авлоднинг жисмонан камол топишини таъминлаш мақсадида ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада — уч босқичли спорт ўйинлари жаҳон чемпионатларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган спортчилар етиштиришга хизмат қилмоқда.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

2010 ЙИЛ — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

ЭНГ ФАОЛ МАЪНАВИЯТ ТАРФИБОТЧИЛАРИ



© фото-Носир Хайдаров

ЁШ АВЛОД онгига ота-боболаримизнинг бой маънавий мероси, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш туйғуларини шакллантириш барча жамоат ва давлат ташкилотларининг устувор вазифалари ҳисобланади. Айниқса, ёшларни ҳар томонлама етук, билимли, маънан баркамол инсонлар қилиб воёга етказишда маҳалланинг таъсири беқиёс. Зеро, ҳар бир ёш маҳаллада ўсиб-улғаяди.

Бугун маҳаллаларда маънавият тарғиботчилари меҳнатига алоҳида эътибор қаратилаётди. Кунинча Ўзбек Миллий академик драма театрида «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловининг якуний

босқичи ўтказилгани, унда голиблар қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилгани бунинг далилидир. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида ўтказилган ушбу танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар босқичи голиблари иштирок этди.

ГУЗАРДАГИ ГУРУНГЛАР > [8]

ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИ ШАРҲИ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ ГИГАНТ ГЭСЛАР ЛОЙИҲАЛАРИ МИЛЛИОНЛАБ ОДАМЛАР ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИД СОЛАДИ

Марказий Осиё мамлакатларида йирик гидроэнергетика иншоотларини қуриш лойиҳалари, уларнинг шовша-шошарлик билан амалга оширилиши келтириб чиқарилган оқибатлар бу масалага ҳолисона ёндашадиган барча соғлом фикрли кишиларни ҳақли равишда ташвишга солмоқда. Ўзбекистон бундай лойиҳаларнинг минтақадаги экология ва сув мувозанатига таъсири, шунингдек, техноген фалокатлар таҳдидларини келтириб чиқариши мумкинлигини ҳисобга олиб, уларни мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарур-

лиги ҳусусидаги принципиал масалани қатъий қўймоқда.

Бугун ушбу фикрни дунёнинг турли мамлакатларидаги кўплаб мустақил экспертлар ҳам қўллаб-қувватламоқдалар. Масалан, МДХ мамлакатлари институтининг Бишкек филиали директори, тарихи фанлари доктори, профессор, Рус география жамиятининг ҳақиқий аъзоси Александр Князев қаламига мансуб, қатор Интернет-нашрларда эълон қилинган «Ҳақиқат эмас, афсона: Ўрта Осиёдаги мега-ГЭС тақдири номаълумлигича қолмоқда» сарлавҳали мақолада ушбу муам-

мо бу борадаги ишларнинг ҳақиқий аҳоли нуктаи назаридан чуқур ҳамда батафсил таҳлил қилинган.

Шуни қайд этиш керакки, мақолада баён этилган фикрлар муаллифнинг таҳминларга асосланган қараши эмас ва уни кимнингдир манфаатларини ҳимоя қилаётганлиқда айблаб бўлмайди.

Муаллиф ҳақли равишда Амударё ва Сирдарё Марказий Осиё давлатлари фаровонлигини ва уларни сув билан таъминлайдиган яхлит манбаа эканини таъкидлайди. Шу билан бирга, олим Ўзбекистоннинг трансчегаравий Сирдарё ва

Амударё сувидан фойдаланиш соҳасидаги манфаатлари ушбу дарёларнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатлар томонидан етарли даражада инобатга олинмаётганини қайд этган. «Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари томонидан гидротехник иншоотлар қурилишининг амалга оширилиши биринчи навбатда, Ўзбекистон, шунингдек, Қозғистон ва Туркменистон хавфсизлигига катта таҳдид солаётгани ҳақида гапиришга мажбур этмоқда», деб ёзади А.Князев.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

СИФАТ ҲАМ, ХИЗМАТ ҲАМ ЯХШИЛАНМОҚДА

Қишлоқларимизда янги қурилаётган замонавий иншоотлар ҳамда хизмат кўрсатишнинг янги сифати, шубҳасиз, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилган ислохотларнинг негизини ташкил этади. Бугун ҳаётимизнинг барча жабҳасидаги модернизация, эркинлаштириш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар «Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят бўлиmlари ҳамда туман (шаҳар) бўлиmlлари томонидан уюштирилаётган турли тадбирлар, учрашувлар, аниқса, мамлакатимизнинг тарихий жойларига ташкил этилаётган саёхатларда ҳам ўз аксини топмоқда. Бу эса бевоусита қишлоқларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Ҳозир Бухоро вилоятидаги ҳар бир маҳалла ҳудудида қишлоқ врачлик пунктлари, турли хизмат кўрсатиш шохобчалари, супермаркетлар, замонавий кўринишдаги бозорлар, тўта тадбирларга мўлжалланган ма-

ҳалла гузарларининг фаолият юритиш маҳаллаларда сервис хизматини яхшилашга қаратилган ишларнинг самарасидир. Бундан ташқари, юртимизнинг бой тарихи, маданияти, маърифий соҳада эришилган ютуқлар билан таништириш мақсадида барча вилоятлар қатори Бухорода ҳам туризм соҳасини такомиллаштириш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратилган.

Ёш ойларида қишлоқ аҳолиси, асосан, дала ва томорқаларидаги юмуш билан банд бўлади. Буни эътиборга олиб, маҳалла фаоллари билан келишган ҳолда, мактаб ўқувчилари, ёлғиз қариялар ҳамда кам таъминланган оила фарзандларининг рўйхати тузилиб, Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йилида 1458 нафар киши Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида бепул саёхатда бўлиб қайтишди.

Кейинги йилларда вилоятда соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Кўрсатилаётган хизматлар, тиббиёт муассасалардаги шароитлар сезиларли даражада яхшилан-

ди. Хусусан, қишлоқ врачлик пунктларининг замонавий тиббий жиҳозлар, малакали тиббиёт ходимлари билан таъминланиши қишлоқ аҳолиси учун катта қулайликлар туғдирди. Энди улар учун туман марказидаги касалхоналарга мурожаат қилиш эҳтиёжи йўқ. Шу ернинг ўзида даволаниш имкониятининг яратилгани соҳада олиб борилаётган ислохотлар самарасидир.

— Вилоятимиз маҳаллаларида хунармандчилик, ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тадбиркорлар талайгина. Улар маҳалла аҳолининг маиший эҳтиёжларини қондиришдан ташқари, аҳоли бандлигини оширишга ҳам муносиб улуш қўшиб келишмоқда. Ҳозир вилоятнинг қайси бир чекка қишлоғига борманг, замон талабларига мос хусусий савдо марказлари, кичик корхоналарнинг иш бошлаганини кўрасиз. Хусусан, бизнинг маҳалламизда ҳам шундай тадбиркорлар борки, улар фаолиятида, биринчи галда, халқимиз фаровонлиги, маҳалламиз ободлиги, қўйинги, кўрсатилаётган

хизмат турларининг сифати муҳим ўрин эгаллайди, — дейди Ромитан туманидаги Чандир маҳалла фуқаролар йиғини раиси Самад Худоев.

Дарҳақиқат, маҳалла турмуш тарзинини акс эттирувчи кўзгу, аҳолининг биринчи галда мурожаат қиладиган ғўшаси. Бу даргоҳ кўпни кўрган, турмушнинг бандлаб-пастини биладиган, халқнинг кўнглига йўл топа оладиган фидойи инсонлар маскани ҳисобланади. Шу сабабли, маҳалла идорасига мурожаат қилиб келган аҳолига тез ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида 126 та маҳалла йиғинига компьютер жамламалари, 103 тасига мебель жиҳозлари тарқатилди.

Мустақиллик шарофати билан олиб борилаётган бундай бунёдкорлик, яратувчилик ишлари, такомиллаштиб бораётган хизмат турлари аҳоли турмуш тарзининг фаровонлигини янада мустаҳкамлаши шубҳасиз.

Нигора ИМОННАЗАРОВА,
«Маҳалла» муҳбири.

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

ИБРАТЛИ ИШЛАР КЎЗГУСИ

Ердан тафт кўтарилиб, баҳор нафаси сезила бошлаган кунларданок озод ва обод юртимизнинг ҳар бир гўшасида мавсумолди юмушлари жадал суръатларда бошлаб юборилди. Дов-дарахтларга шакл бериш, мева-ли ва манзарали дарахт кўчатларини ўтказиш, кўча ҳамда йўлакларни тозалаш, тартибга келтириш ишлари бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Юртдошларимиз азиз аёлларимизнинг байрамлари ҳамда Наврўзи олами шоду хуррамлик билан кутиб олишга пухта тараддуд кўраётган шу кунларда миллий қадриятларимиздан бўлган ҳашар йўли билан ҳам маҳаллаларда кўпгина хайрли ишларни амалга оширишмоқда. Ана шундай эзгу ишлардан бири яқинда Тошлоқ туманининг Арабмозор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ўтказилди.

Таркибда 5 та маҳалла фуқаролар йиғинини жамлаган ва ундаги 3165 та оилада 14780 нафар аҳоли тинч ва осуда, фаровон турмуш кечириб келаётган ушбу йиғинда кейинги йилларда кўплаб ибратли лойиқа ишлар қилиняпти. Қишлоқ маҳаллаларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ички йўлларни асфальтлаш, шағал ётқириш, сув йўлларини тозалаш, аҳолининг тоза ичимлик сувиغا бўлган эҳтиёжини қондириш борасида бир талай юмушлар амалга ошириб келинаётир. Бу ерда яқинда ҳашар йўли билан 4000 метр масофадаги этакли Ёзёвонсойга бориб туташадиган Бесаранг ариғи қўл кучи билан тозаланиб кўпчиликни мамнун этди.

— Ҳудудимиздан ўтган, бир неча йилдан буён тозаланмагани боис лойқа босиб, битиб кетган Бесаранг ариғини тозалашда ҳашарчи ҳамқишлоқларимизнинг 400 нафардан ортиғи иштирок этишди, — дейди Арабмозор қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Эркинбой Раҳматов. — Эни 2 метр, бўйига 1 метр бўлган ариқни ҳашарчиларимиз 4 кундаёқ лойқадан тозалашди. Музаффархон Абдуҷабборов, Ҳакимжон Кўчқоров каби фермерларимиз, Бахтиёр Исоқов, Хотамжон Исаев сингари тадбиркорларимиз ўша кунлари доимий равишда ҳашарчи-



© фото-Носир Хайдаров

ларга шарт-шароит яратишга ҳомийлик қилдилар.

Айтиш керак, ҳудудда истиқомат қилаётган аҳоли иштирокидаги 444 гектар майдоннинг ҳар бир қаричидан самарали фойдаланиб келишмоқда. Бу томоқларнинг 70 гектардан зиёдини иссиқхоналар ташкил қилади. Муболағасиз айтиш мумкинки, ҳар учта хонадоннинг иккитасида, албатта, иссиқхона бор. Иссиқхоналарда етиштирилаётган помидор, бодиринг, булғор қалампир, турли резворлар ва шифобахш лимон маҳсулотлари билан Фарғона, Марғилон, Тошлоқ деҳқон бозорларини арабмозорликлар таъминлаб келишяпти. Водий бозорларининг эҳтиёжидан ортиб, пойтахт бозорларига ҳам биринчи бўлиб “Бесаранг” маҳалласида етиштирилган ханда-лақлар чиқишидан маҳалла аҳли ҳаммаша гурурланиб юришади.

— Аҳолимиз, асосан, томоқларидеҳқончилик қилиб рўзгор тебратилмади, — дейди “Хонақа” маҳалла йиғини фаоли, 80 ёшли Жўрабой ота Абдурахмонов. — Шундай бўлса, ҳамқишлоқларимиз учун бир катра сувнинг ҳам қадри жуда баланд. Ота-боболаримиз узунлиги 275 километрдан зиёд катта Фарғона каналини ҳашар йўли билан, жуда қисқа муддатда қазиб-битказганларини барчамиз жуда яхши биламиз. Мен ўша вақтларда

8 ёшли бола эдим. Яхши эслаймман, ўша ҳашарда маҳалладошларимдан ҳам кўпчилик иштирок этган. Ана шундай танти, орийатли, кўпчиликка нафи тегадиган юмушдан асло бўйин товламайдиган элнинг фарзандлари эканимиздан ҳаммаша фаришманамиз. Маҳалладошларимиз иштирокида амалга оширилган бу хайрли иш ҳали узоқ йиллар ўзининг тотли мевасини беради. Бу ариқ нафақат томоқларимизга обихайёт бахш этади, балки баҳорда эҳтимоли бор бўлган сел ёғиши, сув тошишида сувни йўналтиришда ҳам асқатади.

Ҳа, чиндан ҳам оқсоқол айтганларидек, бу хайрли ишнинг қишлоқ аҳлининг нафақат мушкулларини осон, балки томоқларда етиштирилмаган ҳосилнинг баракали, олинадиган даромаднинг салмоқли бўлишида ҳам муҳимлигига шубҳа йўқ.

Маҳаллада яшовчи Турғунбой Ҳожи Қўрғонов, Валихон Қаҳҳоров, Мадолм Абдурахмонов, Орифжон Қўрғонов каби миршкорлар томоқларидеҳқончилик иссиқхоналардан 20-30 миллион сўмдан ошириб даромад қўришмоқда. Бесаранг ариғининг тозаланиши ва энди ариқ сув билан тўлиб-тошиб оқиши ҳисобга олинадиган бўлса, жорий йилда арабмозорликларнинг ҳосили янада баракали, даромадлари ҳам кўп бўлади, дея ичимиздан қувонамиз.

Азамат МАҲМУДОВ,
“Mahalla” мухбири

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ УЧУН

МУСТАҚИЛ юртимизнинг илк ордени — “Соғлом авлод учун” ордени таъсис этилганига 17 йил тўлди

< [1]

“Соғлом авлод учун” ордени билан мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлигини мустаҳкамлаш, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишда алоҳида хизмат кўрсатган юртдошларимиз тақдирланадилар. “Соғлом она — соғлом бола” ҳаётий дастури асосида амалга оширилган ёш авлоднинг тарбияси, янада юксак босқичга олиб чиқади. Бугунги мураккаб глобаллашув шароитида миллий ўзгичилиги, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишларга қарши туриш, ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳванд-

лик, ахлоқсизлик, “оммавий маданият” каби таҳдид ва хатарлардан асраш долзарб аҳамиятга эга. Зотан, соғлом ва баркамол авлод нафақат жисмонан, айтиш пайтда маънан ва руҳан етук авлоддир.

“Соғлом авлод учун” ордени ана шу йўлда меҳнат қилаётган юртдошларимизни рағбатлантиришга, уларни янги марралар сари илҳомлантиришга хизмат қилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, табиийки, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлод тарбиялаш орзуси туради.

Хусниддин БЕРДИЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

ФАОЛЛАР ТАҚДИРЛАНДИ



© фото-Носир Хайдаров

Куни кеча Юнусобод тумани «Бободехқон» маҳалласида 8 март — Ҳалқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан ўтказилган байрам тадбирида ҳудуддаги кам таъминланган оилалар, муҳтарама онахонлар, маҳалладаги фаол аёллар байрам соғвонлари билан тақдирланди. Таъкидлаш керакки, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маъмура Мўминова ташаббуси билан ташкиллаштирилган ушбу тадбир барча аёлларнинг қалбига баҳорий кайфият олиб кирди. Мухбиримиз

ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИ ШАРҲИ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ ГИГАНТ
ГЭСЛАР ЛОЙИҲАЛАРИ МИЛЛИОНЛАБ ОДАМЛАР
ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИД СОЛАДИ

< [1]

Айни пайтда эксперт куйидагиларга эътибор қаратади: “бу каби объектларни қуришни тартибга соладиган қатъий ҳалқаро нормалар мавжуд бўлса-да, улар ушбу дарёлар юқори қисмида жойлашган мамлакатлар томонидан инкор этилмоқда. Бирок, Қирғизистон ҳам, Тожикистон ҳам ушбу соҳага оид бирон-бир ҳалқаро конвенцияни имзоламаган. Бунда гап, масалан, Россия 1996 йилнинг октяб-ридан буён бажариб келаётган Трансчегара сув оқимлари ва ҳалқаро кўлларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенция (Хельсинки, 1992 йил 17 март), Кема юрмайдиган ҳалқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция (Нью-Йорк, 1997 йил 21 май) ва бошқа кўплаб ҳужжатлар ҳақида бор-моқда. Аммо, ўз миллий манфаатларини ҳудудларча ҳимоя қилишдан бошқа нарсани тушунишни ис-тамаётган ва ўз иқтисодиётини кут-қаришнинг бирдан бир чораси сифатида ГЭС лойиҳаларига ёпишиб олган мазкур икки республика бу лойиҳаларни кўпроқ қарз олиш ҳамда ташқи инвесторлар ёрдами-га тинимсиз кўз тиккан ҳолда, ярим кўлбола усулда амалга оширишни ўжарлик билан талаб қилмоқда”.

Шунингдек, эксперт ҳудуддаги трансчегара сув оқимлари ҳосил бўладиган мамлакат уларни ўз би-ганича тасарруф қилиши ҳақидаги фикрнинг бемаънилигини, дарёлар-нинг қай бири ички, қай бири та-шқи экани ҳусусидаги баҳсларнинг асоссизлигини қайд этади.

“Норин-Сирдарё ва Амударёдан Вахшни ажратиб бўлмаслиги ва улар айнан трансчегара сув оқи-лари эканини ҳисобга оладиган бўл-сак (бунинг учун ҳаритага қара-шанинг ўзи қифоя), Қирғизис-тон Қамбарота ГЭСини Ўзбекистон ва Қозғистоннинг розилигисиз қуришга мутлақо ҳақли эмас. То-жикистоннинг эса трансчегара дарё оқими бўйлаб жойлашган нафақат Ўзбекистон ва Қозғистон, балки унинг қуйи қисмидаги Туркменис-тоннинг ҳам розилигисиз ГЭС қуришга ҳеч қандай ҳаққи йўқ. Вахш ички дарё экани ҳақида қанчалик кўп гапирилмасин, у Амударёнинг асосий ироқларидан биридир ва шу боис мазкур ҳолатда трансче-гара дарёлардан фойдаланиш бўй-ича барча ҳалқаро принциплар-га риоя этилиши шарт”, деб таъ-кидлайди А.Князев.

“Роғун ГЭСидеги ҳозирги аҳвол-ни Қирғизистон ҳам “ўз кучи” би-лан қураётган 2-Қамбарота ГЭСи атрофида рўй бераётган вазият билан таққослаш қийин эмас. Уш-бу ҳар икки қурилиш, қаттиқ талаб-дан келиб чиқиб айтиладиган бўл-сак, аввало ўз халқига, қолаверса қў-шни мамлакатларга қарши қаратил-ган жиноятдан ўзга нарса эмас. Бу қурилишлар сифати зарур талаб-ларга асло мос келмайди — барпо этилаётган 2-Қамбарота ГЭСи тўғ-руни йилнинг декаб-рида қирғизис-тон-лик гидроқурувчилар ўзларича ту-поркини кўчириш учун ноёб пор-тла-ши ишларини амалга оширган бўл-салар-да, қутилган натижалар-га эриша олмадилар. Тўпланган ту-пор-қ уюми лойиҳада кўзда тутил-ган баландликка етмагани, портлатиш

ишларида йўл қўйилган хатолар на-тижасида кўплаб бўшлиқлар пайдо бўлгани ва ҳозир улар ташқаридан тулроқ олиб келиш йўли билан кўлбола усулда тўлдирилаётгани ҳу-сусида умуман гапирмасам ҳам бўла-ди. Демак, бундай иншоотнинг хав-фсизлиги ҳақида умуман гапириш-нинг ҳолати йўқ”, деб қатъий таъ-кидлайди мақола муаллифи.

Олим ҳозир фаолият кўрсатаёт-ган гидроэнергетика иншоотлари-нинг хавфсиз ишлашини таъмин-лаш масаласи мутахассислар томо-нидан бир неча бор кўтарилганини қайд этади: “СССРдан Тожикистон-га мерос бўлиб қолган Нурек ГЭСи, Қирғизистонга мерос бўлиб қол-ган Тўхтағул ГЭСи ва уларнинг сув омборларини тартибга солишнинг ўзи долзарб масала эмасми? Ҳар икки ҳолатда ҳам, ушбу сув омбор-ларига сувнинг кам тўпланиши, объектив сабаблардан ташқари, со-биқ совет давриддан буён ҳеч ким ушбу станцияларда жиддий про-филактика ишлари олиб бормага-ни, уларни модернизация қилиш билан жиддий шугулланмаётгани, сув омборларини лойқа босиб қо-лиши йўл қўйиладиган барча меъёрлардан ошиб кетаётгани би-лан боғлиқдир. Яқинда Нурек ГЭСи-да рўй берган авария катта та-лофатларга олиб келмаган бўлса-да, бу авария Тожикистон учун ҳам, Қирғизистон учун ҳам ниҳоят-да жиддий хатар қўнғирогидир”.

А.Князев ушбу муаммоларни на-зарда тутган ҳолда, шундай деб ёзади: “Шунинг учун ўзаро келиш-иб иш тутмоқ лозим. Акс ҳолда, Ўзе-бекистоннинг Роғун ва Қамбарота ГЭСларининг ишини, агар улардан бирортаси қурилса ҳам, ҳатто ҳар-бий йўл билан бўлса-да, тўхтатиб қўйишга ҳеч нарса монелик қила олмайдди. Ўзбекистон раҳбарияти бундай ҳаракатлар билан нафақат ўзининг ўн миллионлаб аҳолисини, балки Қамбарота лойиҳалари таъ-сир доирасида жойлашган Қирғи-зистоннинг Фарғона водийсидаги уч вилояти (Ўш, Жалолобод ва Бот-кен) ва Тожикистоннинг бир вилоя-ти (Сўғд) аҳолисининг ҳам хавфсиз-лигини таъминласа, у ҳар томонла-ма ҳақ бўлиб чиқади”.

“Сув микдори камайиб, тақчил-лиги ортиб бораётган бир пайтда янги тўғонларни қуриш, жиддий ўрганиб чиқмасдан туриб улардан энергетика максадларида фойда-ланиш сув баланси ҳамда барқа-рор ривожланиш борасида ўта сал-бий оқибатларни келтириб чиқари-ши ҳақида қатъий фикрга келиш мумкин”, деб ёзади А.Князев.

Эксперт мамлакат манфаатлари-га ва аҳолиси хавфсизлигига риоя қилиш бўйича Ўзбекистон илгари сураётган талабларни мутлақо тўғри ва ҳақли, деб ҳисоблайди.

“Ҳар бир мамлакат албатта ўз миллий манфаатларини қўзлайди, шу сабабли бу борадаги бирдан-бир тўғри йўл — томонларнинг му-росага келиши, бир-бирига ён бе-ришидир. Ўзбекистоннинг бу бо-радаги позициясини дўқ-пўпса, деб қабул қилмаслик керак, балки унинг юзага келган ҳолатдан жи-ддий ташвишланётганини тўғри ту-шуниш лозим. Ўзбекистон раҳба-рияти қайд этилган ҳар икки лойи-ҳада Ўзбекистон Республикаси ман-фаатлари ҳисобга олинмас экан, ҳам Тожикистон, ҳам Қирғизистон-га қарши ҳозирданок энг қатъий чораларни қўллаш ҳақида ўйлашга

мутлақо ҳақлидир. Бунда тўғонлар-нинг қизикқонлик билан муҳокама этилаётган баландлиги, бошқа жи-ҳатлари эмас (бу масаланинг май-да тафсилотларидир), балки улар-нинг сифати, сув омборларининг йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳаж-мининг илмий асослангани, энг му-ҳими — ушбу иншоотларнинг мус-тахкамлик даражаси, хавфсизлик билан боғлиқ барча жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш керак деганидир”.

Муаллиф ўз мақоласида росси-ялик ҳамкасбларининг мазкур лой-иҳалар борасида “ассосиз, энерге-тика ресурсларидан саводсиз-ларча фойдаланиш, самарадорлик-нинг пастлиги, қўлланилаётган тех-нологиялар, малакали муҳандис ва ишчи кадрларнинг қолоқлиги (йўқлиги)”ни эътироф этаётганини ҳам келтиради.

Ва ниҳоят, бундай йирик гид-роэнергетика иншоотлари қурили-ши ташаббускорларининг энг сўнги асоси, яъни ушбу иншоот-ларни қуриш ва улардан фойдала-ниш натижасида олинадиган катта иқтисодий фойда ҳақидаги тахмин-лари олимлар томонидан шубҳа остига олинмоқда.

Муаллиф ушбу лойиҳаларнинг ўзини қоплаши ҳақидаги гапларни ҳолисона таҳлил қилар экан, “...ги-гант-лойиҳаларнинг иқтисодий мақ-сада мувофиқлиги ҳам жуда шуб-ҳали”, деб ёзади.

Бунда олим аҳолини электр энергияси билан таъминлаш учун Қирғизистонда ҳам, Тожикистонда ҳам кичик ГЭС тармоқларини қуриш самарали, иқтисодий жиҳатдан ман-фаатли ва хавфсиздир деган қатъ-ий хулосага келади.

Муаллиф юқорида қайд этилган лойиҳаларнинг бўлажак ташқи иш-тирокчилири ҳақида гапирар экан, шундай деб оғохлантиради: “Хитой томони бир неча йил муқаддам То-жикистонда Роғун ва Қамбаротага ўхшаш, аммо нисбатан кичик За-рафшон ГЭСи қурилиши бўйича лойиҳани минтақадаги етакчи мам-лакат — Ўзбекистон билан келиб чиқиши мумкин бўлган моҳоро ёмон оқибатларга олиб келишини англаган ҳолда, тезлик билан тўх-та-тиб қўйганини эсга олиш қифоя. Яқинда Қирғизистоннинг гидро-энергетика лойиҳаларида иштирок этиш ҳақидаги тақдирлари ҳам Хи-тойда қўллаб-қувватланмади”.

Шу муносабат билан А.Князев ҳақли равишда таъкидлайди: “та-биийки, Россиянинг хориждаги гидроэнергетика бўйича фаоллиги, Қирғизистон ва Тожикистондаги лойиҳаларда бўлгани каби, минта-қавий зиддиятлар манбаига айлан-маслиги лозим ва бундай ҳолат юз бериши эҳтимолдан холи эмас”.

Чоп этилган мақоладаги ҳамма фактларни ҳам тўғри, дейиш қийин, албатта. Олимнинг барча тақдиф ва хулосаларига ҳам, хусусан, сув-энергетика консорциумини ташкил этиш бўйича кўп мартаба муваф-фақиятсиз муҳокама этилаётган ма-сала юзасидан билдирган фикрла-рига қўшилиб бўлмайди. Бирок, А.Князевнинг муаммо жиддийлиги-ни, Ўзбекистоннинг минтақа мам-лакатларида яшайётган миллионлаб одамлар хавфсизлигига таҳдид со-лиши мумкин бўлган катта хавф бо-расидаги ташвишнинг англаб етга-ни ниҳоятда муҳимдир.

О.РАҲАБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

РЕСПУБЛИКАМИЗ МАҲАЛЛАЛАРИДА

БАЙРАМ ТУҲФАСИ

БУХОРО вилояти Вобкент туманидаги «Қурувчи» маҳалласида истиқомат қилувчи Шамсия Раҳматова оиласига хотин-қизлар байрами арафасида «Маҳалла» жағма-масининг туман бўлинимаси томо-нидан қорамол ҳадя қилинди.

— Йил давомида кам таъмин-ланган, боқувчисини йўқотган, иж-тимоий ҳимояга муҳтож оилалар-га бир бошдан қорамол олиб бе-ришни режалаштирганимиз, — дей-ди бўлинка раиси Юнус Бобому-родов. — Бундан ташқари, жағма-ра томонидан фуқаролар йиғин-ларининг моддий-техник базасини яхшилаш максадида жорий йил-нинг ўтган даври мобайнида 7 та маҳалла идорасига мебель жиҳоз-лари, компьютер жамланмалари олиб берилди.

Ақбар РУСТАМОВ,
«Mahalla» мухбири.

КОМИССИЯЛАР
ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛДИ

ЖАЛАКУДУҚ туманидаги фуқа-роларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида фаолият кўрсатаёт-ган жамоатчилик комиссиялари иш тажрибасини ўрганишга ба-ғишланган вилоят семинари бўлиб ўтди. Жағарма шаҳар ва туман бўлинкалари раислари, бош мутахассислар ва масъул ко-тиблар туманининг бир қатор ма-ҳаллаларида бўлишди.

Меҳмонлар дастлаб “Бешка-рам” маҳалласи жамоатчилик ко-миссияларининг тартиби, иш юри-тиш услублари билан танишишди. Айниқса, “Дўстлик” маҳалласида-ги ҲҲПда ташкил этилган “Оталар мактаби” фаолияти уларда катта таассурот қолдирди.

— 2010 йил Андижон вилояти-даги фуқароларининг ўзини-ўзи бошқариш органларида “Жамоат-чилик комиссияларининг фаоли-ятини такомиллаштириш йили”, деб эълон қилинди, — дейди “Ма-ҳалла” жағмараси вилоят бўли-ми раиси Икромиддин Валиев. — Сир эмас, ақсарият комиссияла-римиз иши самарали йўлга ҲҲП-либ, яхши натижаларга эришаёт-ган бир пайтда айрим комиссия-лар ҳали тўла шаклланиб улгур-маган. Бу борада йил давомида амалга оширилаётган ишлар ре-жасини туздик.


Узоқбой САҚСОНБОВ,
“Mahalla” мухбири.

ЙЎЛ ҚОИДАСИГА РИОЯ ҚИЛИНГ

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИДАГИ ҲАМКОРЛИК

БУГҮН ўзининг ижобий натижасини бермоқда

Халқаро статистик маълумотларга қараганда, йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида ҳар йили 1 миллион 200 минг нафар инсон ҳаётдан бевақт кўз юмади. 50 миллион кишига эса турли даражадаги тан жароҳати етказилмоқда. Улар орасида умрбод ногирон бўлиб қолаётганлар қанчадан-қанча. Бундай кўнгилсизликларга аввало ҳайдовчиларнинг шовшақлиги ва тезликни белгиланган меъёрдан ошириши асосий сабаб бўлаётган бўлса, йўловчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини яхши билмасликлари ёки билатуриб унга амал қилмасликлари ҳам йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқараётди.



Мамлакатимиз йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида ўтказилган қатор профилактик тадбирлар натижасида кейинги йилларда республикамиз автомобил йўлларида йўл-транспорт ҳодисалари бирмунча камайишига эришилди. 2009 йил давомида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари 2008 йилга нисбатан 0,6 фоизга камайган. Маълумотларга кўра, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан 70 мингга яқин вазиятда автомобилларни маст ҳолда бошқариш, 40 мингга яқин транспорт ойналарини қорайтириш ва бошқа бир қатор қондабузарликлар аниқланиб, уларга нисбатан тегишли маъмурий чоралар кўрилган.

Эрталаб уйдан кўчага чиқдикми, йўл ҳаракати иштирокчисига айланамиз. Йўлда бир сонияга кечикиш ёки шовишлиш ҳам инсон ҳаётига нуқта қўйиши ҳеч гап эмас.

«Ҳаракат хавфсизлиги ойлги» тадбири доирасида маҳаллаларда 9420 марта, меҳнат жамоаларида 8828 марта, ўқув муассасаларида 8260 марта йўл ҳаракати қоидаларига доир тушунтириш ишлари ва давра суҳбатлар ўтказилди, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ ЎХББ жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қишиш бўлими катта инспектори, капитан Акром Арзиев.

Ойлик давомида ўтказилган тад-

бирларда жами 18 минг 934 та пиёда қондабузган ҳолат аниқланган. Улардан 2769 таси меҳнат жамоаларида, 4878 таси маҳаллаларда, 1699 таси эса ўқув муассасаларида муҳокама қилиниб, тегишли чоралар кўрилган.

— Эрталаб уйдан кўчага чиқдикми, йўл ҳаракати иштирокчисига айланамиз, — дейди Тошкент шаҳар Бектемир тумани «Миришкор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Усмонжон Раҳимов. — Демак, биз белгиланган йўл ҳаракати қоида-сига амал қилишимиз шарт ва зарур. Йўлда бир сонияга кечикиш ёки шовишлиш ҳам инсон ҳаётига нуқта қўйиши ҳеч гап эмас. Ана шу масалаларни доимо мутахассисларни жалб қилган ҳолда маҳалламиз фуқароларига, айниқса, ёшларимизга тушунтириб бориш бизнинг кундалик вазифамизга айланган. Бу ишларимиз, албатта, ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда. Айниқса, мактаб ва богча ёшидаги болалар учун белгиланган тадбирлар ёшлар онгидида йўл ҳаракати қоидаларини пухта ўрганиш ва уларга қатъий риоя қилиш заруратини шакллантиради, деб ўйлайман.

Барқамол авлод йилида ҳам йўл ҳаракати ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар

изчил давом эттирилмоқда. Йил давомида ўтказилиши режалаштирилган тадбирлар дастури доирасида барча ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳалла фаоллари, таълим соҳаси ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари иштироки таъминланган ҳолда, ёшларга амалдаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини етказишга қаратилган учрашувлар ташкил этиш кўзда тутилган. Жорий йилнинг ўтган икки ойи давомида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва болалар билан боглиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида оммавий ахборот воситаларида турли мавзуларда чиқишлар уюштирилди. Автокорхоналарда 47 марта учрашув, маҳаллаларда 150 марта ва мактабларда 110 марта давра суҳбати ташкил этилди.

Дарҳақиқат, ҳар бир киши йўлларда содир бўлаётган турли ҳодисаларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш фақат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг вазифаси эмаслигини англаб етмоғи зарур. Чунки барчамиз, аввало, ўз ҳаёти-миз, қолаверса, ўзгалар ҳаёти хавфсизлигига масъулмиз.

Ёдгор АШУРОВ,
«Mahalla» мухбири.

ТАҲЛИЛ

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ЯНАДА ОБОД ВА ФАРОВОН БЎЛАДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ҳар бир йилнинг алоҳида номланиши йил сарҳисобида мазкур соҳа бўйича амалга оширилган ишларга кўзгу бўлиб хизмат қилмоқда.

Тошкент вилоят ҳокимлиги «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастуридан келиб чиқиб, асосий эътиборни аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган вилоятнинг туман, шаҳар ва қишлоқларидаги мавжуд муаммолар ечимини топишга қаратди. Ана шу мақсадда қишлоқларда тураржой ва ижтимоий соҳа иншоотларини замонавий архитектуравий ечим ва режа асосида барпо қилишда 20 турдаги лойиҳа ишлаб чиқилди. Бунда қишлоқлар қиёфасини сифат жиҳатидан кўркاملантириш кўзда тутилган қурилишларни лойиҳалаштириш ва аҳоли яшайдиган қишлоқ манзилларини меъморий жиҳатдан режалаштириш ташкил қилишни тубдан тақомиллаштириш бош мақсад қилиб олинди. Натижада аҳолининг тураржой шарт-шароитларини яхшилаш мақсадида икки мингтага яқин яқка тартибдаги уйларнинг тўлиқ таъмирдан чиқариш учун 34 миллиард сўмдан зиёдрок маблағ сарф қилинди.

Бундан ташқари, қишлоқ аҳолиси учун қўшимча ишчи ўринлари барпо қилиш ҳамда қишлоқ жойларидида ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш мақсадида халқ истеъмоли моллари ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 29 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Улардан цемент, пишкеш, пластик маҳсулотлар, том ёпишда ишлатиладиган материаллар бўйича лойиҳалар бевосита «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига киритилди. Дастур бўйича қурилиш материаллари харид нархлари ўсшининг олдини олиш ва аҳолига қўшимча хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида цемент, металл ва деворбоп металл маҳсулотлар билан савдо қиладиган 9 та фирма дўкони ва унинг филиаллари очилди. Бу эса, уларга ушбу қурилиш материалларини рисоладаги нархлардан харид қилишга имкон яратди. Шу тариқа, янги ишлаб чиқариш қувватларини ва фирма дўконларини ишга тушириш натижасида 400 та янги иш ўрни яратилди.

Қишлоқларни табиий газ билан, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, табиий хизмат даражаси ва сифатини янада яхшилаш борасида кенг кўламадаги ишлар бажарилди. Ўтган йил давомида 178,2 км. масофага табиий газ, 152 км. масофага сув қувурлари тортилди. Режадан ташқари бир иш кунда 65 нафар беморни қабул қилиш имконини берадиган ва замонавий даволаш ҳамда ташхис қўйиш ускуналари билан жиҳозланган учта қишлоқ тиббиёт поликлинिकासи қурилиб ишга туширилди.

Ёшларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан барқамол қилиб тарбиялаш ва вояга етказиш борасида давлатимиз томонидан амалга оширилган ислохотлар натижаси ўларок, бугунги кунда юртимизнинг энг чекка қишлоқлари-

да ҳам замонавий академик лицейлар, юксак малакали мутахассисларга эга бўлган коллежлар, мактаб ва спорт-соғломлаштириш мажмуалари қад кўтарди. Вилоятимизда 2009 йилда 23 та касб-хуна қоллежи, 93 та умумтаълим мактаби, 12 та болалар спорт иншооти фойдаланишга топширилди. Уларнинг аксарият қисми қишлоқ жойларида барпо қилинганлиги қувонарлидир.

Қишлоқларда аҳолига сервис ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш масалалари доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Ўтган йил мобайнида 753 та савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш иншоотлари ва шохбачалари очилган бўлса, шулардан 510 таси ёки 67,7 фоиз қишлоқ жойларига тўғри келди. Деҳқон ва фермер хўжалиқларига сервис хизмати кўрсатиш, микрокредитлар ва истеъмол кредитлари олишга кўмаклашиш, тўлов тизимини тақомиллаштириш тармоқлари ташкил қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

2009 йилда қишлоқ аҳоли манзилларини барпо қилиш бўйича тақдирланган меъморий-режалаштириш ташкилотининг бош режаси ва лойиҳалари бўйича яқка тартибдаги уйлар қурилиши ҳажминини кенгайтириш асосида аҳолининг тураржой шарт-шароитини тубдан яхшилашга давлат дастурини бажариш доирасида алоҳида эътибор қаратилди. Вилоят бўйича бу борада қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик хўжалиги таркибидида бўлмаган 3 та ер майдони уй-жой қурилиши учун 60 та дастлабки лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида танлаб олинди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» йили Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш қишлоқларимиздаги барча муаммолар қамровини ўйновуллатишда ҳолда ечимини топишни тақозо қилади. Аҳоли даромади ва турмуш даражасини кўтариш, ва энг аввало, қишлоқ ёшларининг иш билан бандлигини таъминлаш, қишлоқ ҳаёти маданий савиясини ошириш, қишлоқ аҳолисининг манфаатларини тўла таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани тақомиллаштириш масаласига эътибор қаратилди.

Қишлоқларни ободонлаштириш ва уларнинг қиёфасини тубдан ўзгартиришга эришиш соҳасидаги ишлар жорий — Барқамол авлод йилида ҳам давом эттирилмоқда. Жумладан, Чиноз, Бўжа, Янгийўл туманларининг ҳар бирида замонавий лойиҳага эга бўлган 20 тадан яқка тартибдаги уйлар қурилиш жадаллик билан олиб борилаётган. Бу янги уйлар Наврўз байрами арафасида ўз эгаларига тантанали равишда топширилади. Бундан ташқари, 2010 йилда ҳам вилоятдаги 15 та туманда замонавий қиёфага эга бўлган 600 дан зиёд янги уй-жойлар қурилиб мустақиллик байрами кундада топшириш режалаштирилган.

Раҳимжон ОРИПОВ,
Тошкент вилояти ҳокимлиги матбуот котиби.

АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ ЭЪТИБОРДА

ЯНГИРАБОТДА ЯНГИ ҲАЁТ МАВЖЛАРИ

Гарчи «1-Янгираб» маҳалласи Самарқанд шаҳрида жойлашган бўлса-да, ҳудуднинг Бог-бонлар, Янгираб, Ал-Хоразмий кўчаларидаги 150 хонадонга ичимлик суви етиб келмаган. Бундан ташқари, бу ерда канализация ҳам мавжуд эмасди. Боз устига, гузардаги антисанитария ҳолати аҳолига қийинчилик туғдирарди. Шу боис фаоллар, кўчабошилар фуқаролар йиғинига мурожаат қилишиб, амалий ёрдам сўрашди.

Маҳалла оқсоқоли Назарали Собиров бу масала илгари ҳам неча бор кўтарилганидан хабардор эди. Сув билан таъминлашнинг иложини топса бўларди, бироқ оқова суви чиқариб юбориш анча мушкул иш эди. Чунки бу қадимий маҳаллада илгари ҳудуднинг паст-баландини ҳисобга олмай иморатлар қурила-верган... Шунга қарамай, аҳоли мурожаати бўйича амалий ишга киришиш керак, деган тўхтамга келган оқсоқол шаҳар ҳокимлиги ва тегиш-

ли идоралардан ёрдам сўради.

Гузарнинг ер тузилишини обдон ўрганган мутахассислар муаммонинг ижобий ечимини топишди ва иш бошланиб кетди. Хайрли ишдан ҳеч ким четда турмади. Ҳар бир оила ўзига юклатилган юмушни сидқиқ дилдан бажарди. Биров керакли материалларни олиб келди, биров техникадан қарашди. Қолганлар ер қазиди, қувурлар ётқизди. Иш якунланган, кўчалар ободонлаштирилди. Қўпдан қўп кочиб қутулмас, деганларидек биргаликда қилинган саъй-ҳаракат натижасида аҳоли тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлди. Оқова сув чиқиб кетишининг ҳам иложи қилинди.

Айтиш кераки, ўзаро ҳурмат, аҳиллик, тотувлик бор жойда саранжом-саришталик, орасталик барқарор бўлади. «1-Янгираб» маҳалласида ҳам аҳолининг бир ёқадан бош чиқариб фаолият олиб бориши натижасида кейинги йилларда талай ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили 50

та хонадонда тўй бўлиб ўтди. Маҳалла фуқаролар йиғини дабдабозликнинг олдини олиб, тўйларни ихчам, камчиқим ўтказишда бош-қош бўлди.

— Маҳалламизда Норхоним Безинова, Гулчеҳра Исмоилова, Феруза Хўжаева сингари боқувчисини йўқотганлар, етимлар, ҳам таъминланганлар бор, — дейди маҳалла масъул котиби Мухаррам Хўжаева.

— Улар турли масалаларда ёрдам сўраб, мурожаат қилиб туришади. Имон қадар ёрдам кўрсатамиз. Жорий йилнинг бошида саккиз киши моддий ёрдам сўраб, фуқаролар йиғинига мурожаат қилди. Хозир аризалар кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилмоқда. Яқинда маҳалладошимиз Саодат Дўстова савоб ишга қўл урди. У ота-онасидан эрта ажраб, қаровсиз қолган тўрт нафар норасидани барига олди, оналик меҳрини етимларга бахшида этди. Саодатнинг шароитини маҳалладагилар яхши билишади. Гўдақларни па-ноҳига олган хонадонга доимо му-

рувват ёрдами кўрсатиб келинади. Шунингдек, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ёлғиз ва ногирон Владимир Дотченко, биринчи гуруҳ ногирони Карим Абдуллаев ҳам фуқаролар йиғини эътиборида.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда аҳоли мурожаатлари фақат моддий ёрдам сўраш, арз-шикоят қилишдан иборат бўлмапти. Балки ёшлар тарбияси, спортни ривожлантириш, байрамларни миллий руҳда ўтказиш, янгича анъаналарни ҳаётга татбиқ этиш, гузарларни янада обод этиш бўйича турли тақлифлар билдирилляпти. Шу сабаб-ли «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар, халқ таълими, тиббиёт, маданият ва спорт муассасалари, ҳуқуқий идоралар, ҳарбий қисмлар билан маҳалла ўртасида доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ўқтам ҚУРБОНОВ,
«Mahalla» мухбири.

ОДАМ САВДОСИ — АСР ВАБОСИ

Мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб мамлакатимизда инсон ва унинг шаъни, қадр-қиммати энг олий қадрият сифатида эъзозланиб келинмоқда. Бу адолат тамойилларига асосланган қонунларимизда ҳам ўз аксини топиб келаётди. Бироқ бугунги кунда жаҳонда инсоннинг ҳурлиги ва эркинлигига даҳл, одамнинг бахтли ва фаровон яшашига бўлган интилишга тўқсинлик қиладиган жиноят турлари пайдо бўлмоқда. Шулардан бири аини пайтда инсонпарвар дунёни ташвишга солаётган, замирида мажбурий қуллик, ҳўрлик ва камситишлар каби жинсий фаолият турлари йиғилган одам савдоси жиноятидир. Халқаро ташкилотларнинг маълумотига кўра, ҳозирги пайтда жаҳонда ҳеч бир мамлакат «қуллар савдоси»дан четда қолмаган ва шу кунга қадар бир неча ўн миллион одам «қуллик» балосига мубтало бўлган. Шунинг учун ҳам бу иллатга қарши кураш бутун дунё ҳамжамияти олдига турган XXI асрнинг катта муаммоларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Бугунги кунда ушбу иллатдан жабрланган фуқаролар учун давлат

ва хусусий реабилитация марказлари ташкил этилаётди, одам савдосига қарши курашиш, унинг олдини олиш мақсадида қатъий чоралар кўриляётди. Ҳукуматимиз томонидан дунё мамлакатлари билан халқаро муносабатларда минтақа-

юборишлари ачинарли ҳол, албатта. Шунинг учун давлатимиз томонидан одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада биринчи тезкор қадам 2008 йил 17 апрелда

ОГОҲЛИК — ҲАЁТЙ ЗАРУРАТ

вий хавфсизликини таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий, илм-фан, таълим соҳаларида ҳамкорлик қилиш, умуминсоний қадриятлар билан боглиқ муаммоларни биргаликда ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида мамлакатлар ўртасида миграция жараёнлари бирмунча фаоллашди, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш ва шу каби турли мақсадларда бошқа давлатларга чиқиши, эркин фаолият олиб бориши учун имкониятлар янада кенгайди.

Лекин одам савдоси иллатининг юртимизга трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири сифатида кириб келиши оқибатида, баъзи бир қимсаларнинг ўз оға-инилари, қўни-қўшинлари, қариндош-уруғларини ҳам ҳеч ўйлаб ўтирмай қул сифатида сотиб

қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни бўлди. Ушбу Қонунга мувофиқ, 2008 йилнинг 8 июлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди ва бугунги кунда унда белгиланган аниқ вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича зарур саъй-ҳаракатлар олиб боририлмоқда.

Адолат тамойилларига асосланган юқоридаги қонун ва қарорларда инсон шаъни, қадр-қиммати ва ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги ва инсонни камситишга, ҳўрлашга ҳеч қандай ҳаққи йўқлиги белгиланган. Бироқ айрим фуқароларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини,

қолаверса, қонунларни яхши билмаслиги ёки уларга амал қилмаслиги оқибатида ноҳуш ҳолатларга тушиб қолмоқдалар. Бу эса қилмаларгадир одам савдоси билан шуғулланишдек мудҳиш йўлларни очиб бераяпти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори-га берилган эмас ва бундай ҳаракат қонун ҳужжатларига нисбатан зид ҳисобланади.

Агентлик ўз фаолияти давомида қарий 25 мингдан зиёд фуқароларни хорижда иш билан таъминлади. Ишга жойлаштириш билан бир қаторда, уларнинг ижтимоий муҳофизат бўйича ҳам самарали фаолият юритиб келинмоқда. Президентимизнинг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан, аввало, Агентлик томонидан одам савдосига қарши курашиш

бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, Агентлик «Ишонч телефонлари» ҳамда аҳоли мурожаатлари учун интернет тармоғида расмий веб-сайт жорий этилди. Бундан ташқари, ёшларнинг меҳнат миграцияси қонунчилиги борасидаги билимларини ошириш ва улар фирибгарларнинг тузоғига тушиб қолишларига йўл қўймаслик мақсадида туркум мақолалар, радиоэшиттиришлар, телекўрсатувлар тайёрланмоқда. Шу билан бирга, одам савдосига қарши курашиш мавзусида турли хил плакатлар, брошюралар тайёрланиб, шаҳардаги аҳоли гавжум жойларга илб қўйилляпти. Бу каби тадбирлар огоҳлик каби ҳаётий заруратнинг асл моҳиятини ифодаляди.

Мухтарам Президентимиз 2010 йили Барқамол авлод йили, деб атади. Дарҳақиқат, «Барқамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларга ҳамоҳанг тарзда амалга оширадиган ишларимиз жорий йилда ҳам давом этади.

Ғ.УСМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги бошлиғи.

ТАНЛОВ ГОЛИБЛАРИ

БИРДАМЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК
ХАЙРЛИ ИШЛАР АСОСИ

фот. Носир Хайдаров

Пойтахтимиздаги Шайхонтоҳур тумани "Белтепа" маҳалласи аҳли ҳар бир хайрли ишда ҳамжиҳатлиги билан бошқа маҳаллаларга ўрнак бўлишга арзийди. Бундай дейишимизнинг боиси бор, албатта. Зотан, бу мўъжаз гўшада амалга ошириладиган ҳар қандай савобли, хайрли тадбир, учрашув, давра суҳбатлари ўзаро аҳилликка асосланган.

— Маҳаллада 8 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётди, — дейди маҳалла оқсоқоли Тўра Умаров. — Маҳалладорлар ҳудудда бирор хайрли ишнинг муваффақиятли амалга ошиши, одамлар, оилалар, кўни-қўшнилари ўртасида турли-низо ва жанжалларнинг юзага келмаслиги учун аҳоли ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, аҳиллик гоятда зарурлигини яхши тушунишди. Шу боис, маҳалламиз фаоллари кўча-кўйда, хонадонларда бирор келишмовчиликдан ҳабар тоғудек бўлса, дарҳол уларни мурося йўли билан бартараф этишга ҳаракат қилишди.

Этиборлиси, ҳудуддаги кам таъминланган оила фарзандлари спорт машғулотларига бепул қатнашишди. Бу эса маҳаллада ўзаро бирдамлик, қолаверса, бир-бирларини тушунишдек эзгу фазилатларнинг ҳар бир фуқаро қалбида акс этганини кўрсатади.

Дарҳақиқат, юзага келган ҳар қандай келишмовчиликни жанжал орқали эмас, мурося йўли билан бартараф этиш мумкин. Бунинг асоси фаолияти давомида изчил қўллаган ва қўллаб-қўллашчи йўл-йўракларни қўлга киритган оқсоқол Т. Умаров яқинда пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида ўтган "Намунали милиция таъин пункт" кўргазмалари кўрик-танловининг "Бирдамлик ва ҳамжиҳатликда фидойи маҳалла оқсоқоли" номинациясида гўлиб деб топилди.

Оқсоқолнинг айтишича, гузарда ўтказиладиган тадбирлар, тарбиявий аҳамиятга эга учрашув ва суҳбатлар инсонларни бир-бирларига яқинлаштиради. Шу орқали инсон қалбида бирдамлик, аҳиллик, бир ёқадан бош чиқариб ишлашдек умуминсоний фазилатлар шаклланиди.

— Маҳалламизда раис ташаббуси билан қандай хайрли иш бажарилган бўлса, унинг замирида бирдамликни қўриш мумкин. Негаки, Тўра ака бирор ишни қилишдан олдин, албатта, ёши улуглар, фаоллар, тадбир-

кору тегишли ташкилот вакиллари билан маслаҳатлашади. Натижада аҳоли манфаати йўлида қўзлаган эзгу максатига эришади, — дейди масъул котиб Феруза Самариддинова. — Шу боис у кишини маҳалладаги ёш қари бирдек ҳурмат қилади.

Ҳафтанинг шанба ва яқшанба кунлари белтепаларнинг учун озодаллик, тозалик кўни. Айни шу кўни оқсоқол Т. Умаров ташаббуси билан маҳаллада ҳашар уюштирилиб, ариқлар тозаланади, кўча-кўй ва йўлақлар сўпурланади. Ҳашарда кўчабошилар, уйбошилар, оилалар аъзолари, ёшлар фаол қатнашади.

— Атроф-муҳит тоза, хонадонлар озода бўлса, файзу барака бизни тарқатмайди, — дейди оқсоқол мамнуний билан. — Айниқса, тозалик, таъмирлаш билан боғлиқ ишлар баҳор фаслида кўнади. Ҳозир масканимиздаги 21 та кўпқаватли уйнинг йўлақларида таъмирлаш ишлари жадалга сурьатларда давом эттириляпти. "Кўркам коммуналчи", "Юлдуз коммуналчи" сингари ўнга яқин хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ҳамкорлигида йўлақларнинг 7 тасига янги мустақам темир эшиклар ўрнатилди. Кўчалар тартибга келтирилиб, чиқинди ва ахлатлар ўз вақтида олиб чиқилди. Бундай ишларда маҳалла фаоллари билан бирга туман ободон-

лаштириш бошқармаси мутасаддилари ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда. Таъкидлаш жоизки, ҳар йили маҳаллани обод қўшага айлантириш, кўчалар-маъморлаштириш, боғу роғлар, хиёбонлар, дам олиш масканларини ташкил этишда "Маҳалла" жамғармасининг Шайхонтоҳур тумани бўлими томонидан манзарали кўчаларга етказиб берилди. Ёш нихоллар ҳашар йўли билан йиғин идораси, коллеж, мактаб, боғча ҳамда кўча четларига экилади. Бу йил ҳам ана шу анъанани давом эттирган ҳолда, кўчаларни маҳалламизда янги бунёд этилган савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда гузар атрофларига қадаш ниятидаимиз.

Оқсоқолнинг таъкидлашича, ҳамжиҳатлик, бирдамлик сингари инсоний фазилатларни, айниқса, ёшлар онг-шуурига синдириш лозим. Уларни бир-бирларига, она-Ватанига, маҳалласига, юртдошларига нисбатан садоқатли, меҳр-оқибатли қилиб вояга етказиш, халқимизга хос миллий урф-одат, анъана ва қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш бугунги кўнунинг устувор вазифаларидандир. Таърибамдан биламанки, бундай вазифани муваффақиятли бажаришда спортнинг таъсири бекиёс. Ҳудудимизда ташкил этилган "Белтепа" спорт мажмуаси ана шундай эзгу максатларга хизмат қилаётди. Бугун маҳалламиздаги қўллаб-қўллашчи бўлиб спортнинг футбол, волейбол, шайнинг, шахмат-шахса, югуриш каби бир неча тури билан мунтазам шуғулланиб, бўш вақтларини мазмунли ўтказишяпти. Этиборлиси, ҳудуддаги кам таъминланган оила фарзандлари спорт машғулотларига бепул қатнашади. Бу эса маҳаллада ўзаро бирдамлик, қолаверса, бир-бирларини тушунишдек эзгу фазилатларнинг ҳар бир фуқаро қалбида акс этганини кўрсатади.

Аҳоли, айниқса, ёшлар онгида ҳар қандай эзгу хислатларни шакллантиришда ёши улуг нурунийларнинг хизматлари таҳсинга лойиқ. Улар маҳаллада ўтказиладиган тўю маврақаларда, байрам арафасида, тайёрланадиган, сумалак, ҳалим, сайиларида барчани бирдамликка, ҳамжиҳатликка қорлайди. Зеро, белтепаларнинг ҳамжиҳатлигида ҳикмат кўп, деган пурмамо наққа доимо амал қилишди. Натижада маҳалла аҳли, ёшлари бир-бирлари билан маслақдош, аҳил ва иноқ.

Раҳим ШЕРКУЛОВ,
"Mahalla" мухбири.

БЎЛИНМА ФАОЛИЯТИДАН

ЯНГИ РЕЖА,
ВАЗИФАЛАР ТАДОРИГИДА

ЮРТИМИЗДА амалга оширилаётган демократик ислохотлар жараёнида жойларда маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ҳамда тинчлик, осойишталикни таъминлаш каби долзарб масалаларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни тобора ортиб бормоқда.

"Маҳалла" жамғармасининг Тошкент вилояти Паркент тумани бўлими тизимида ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини самарали ташкил этиш борасида аниқ чора-тадбирлар режаси белгиланган. Ўтган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида жамғарманинг фаолияти юқорида қайд этилган долзарб вазифалар ижросига қаратилди. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинлари идораларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимлар малакасини ошириш, маҳаллаларда маънавий-маърифий ишларни изчил йўлга қўйиш ҳамда Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда жамғарманинг Паркент тумани бўлимидаги ҳиссаси катта. Жумладан, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидида истиқомат қилаётган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, кекса ва ногиронлардан 98 нафарига 5 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, жамғарма томонидан ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида тумандаги 5 нафар ёш оиланинг никоҳ тўйлари ўтказиб берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, туманда чорва молларини боқиш, кўпайтириш учун шарт-шароит ҳам, имкониятлар ҳам мавжуд. Шу боис, бугун маҳалла аҳлининг кўпчилиги чорвачилик, деҳқончилик билан ҳам шуғулланишда. Президентимизнинг 2006 йилдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида кам таъминланган, кўп болали оилаларга 3 миллион 850 минг сўмлик қорамол оғиб берилди. Маҳаллаларда маънавий-маърифий ишларни йўлга қўйиш ва янада жонлантириш, маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида тумандаги бир неча фуқаролар йиғинларига мебель

жиҳозлари, 6 миллион 876 минг сўмлик компьютер жамланмалари ҳадя қилинди. Бу қулайликлар ишнинг сифати ва суръатини оширишга хизмат қилляпти.

Ўтган йил давомида жамғарма томонидан жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва фуқароларни моддий-маънавий муҳофаза қилиш учун 35 миллион сўм маблағ сарфланди. Бу борадаги ютуқларни сарҳисоб этадиган бўлсак, Республика миқёсида ўтказилган "Маҳаллам тарихини ўрганаман" кўрик-танловига туманимиздаги "Истиқбол" маҳалла фуқаролар йиғини жамоаси фаол иштирок этиб, фахрли 3-ўринни қўлга киритди.

Маҳаллаларда жиноятчилик, диний экстремизм, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, ўз жонига қасд қилиш ва оилавий ажрим ҳолатларининг олдини олиш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижроси натижаси ўларок, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари деярли учрамади.

Юртбошимиз ташаббуси билан жорий йилнинг Барқамол авлод йили, деб эълон қилиниши ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда маҳалла мутасаддилари, фаоллари зиммасига улкан масъулият юклайди. Айниқса, ёшларни турли ёт мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, бугунги дорилломон, тинч-осойишта ҳаётимизга ҳавф тўғдирishi мумкин бўлган хатти-ҳаракатларга қарши маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ишларини манзилли, самарали ташкил этиб бориш, мавжуд ижобий тажрибаларни ўрганиш ҳамда омалаштириш, шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга доир долзарб вазифалар ҳар биримиздан фидойилик ва жиддий ёндашувни талаб этади. Ўз навбатида, ёшларни маҳаллалар қошидаги турли ўқув, спорт, тикувчилик, хунаремдчилик, қандолатчилик, компьютер тўғрақларига кенг жалб этиш, тадбирларда ҳамкор ташкилотлар иштирокини кенгайтиришдек ҳал этилиши зарур бўлган қатор масалалар ҳам эътиборимизда.

Жамғарманинг жорий йил давомида амалга оширадиган иш режасининг асосий қисми шу каби хайрли тадбирларга қаратилган.

Д. НУРМАТОВ,
"Маҳалла" жамғармасининг
Паркент тумани бўлими раиси.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

БИР КЕЛИБ КЕТИНГ
ҚИШЛОҒИМИЗГА

«САНОВАТ» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуддаги "Қўпани" маҳалласининг гузари обод ва кўркам. Хонадонларимиз табиий газ билан таъминланган. Ҳудудда иккита мактаб, боғча, қишлоқ врачлик пункти ва «Матлуботсавдо» корхонасига қарашли яна бир қатор хусусий савдо дўконлар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, жумладан, сартарошхона, этикдўзлик устаноси, тикувчилик цехи аҳоли хизматида. Йўлларга асфальт ётқизилган, кўчалар раван.

Инсон ҳақида турмуш тарзини юксалтириб боришга интилади. Шу маънода қишлоқ аҳлининг маданиятини, маърифатини юксалтиришга интилиш маҳалладорларимизга хос фазилатлардан. Юртбошимиз таъкифи билан ўтган йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили, деб номланган қувончимизга қувонч қўшган эди. Қабул қилинган Давлат дастури ижросини таъминлашга ҳисса қўишни ўзининг бурчи, деб билган маҳалла аҳли бир қатор тақлифлар билан чиқди. Жумладан, ҳудудда замонавий тўйхона қуриш, тўй-маъракаларни ихчамлаштириш лозимлиги ҳақида ҳам тақлифлар ўртага ташланди.

Тақлиф, ташаббус — халқдан. Оқсоқолнинг вазифаси эса, элга бош-қош бўлиб, хайрли ниятни амалга оширишда жонбозлик кўрсатиш. Галдаги йилги ишларимиздан бирига тадбиркор Олимжон Абжаевнинг тақлиф эдики. Маҳалладорларга маросимларни ўтказишда қулайлик яратиш мақсадида мўъжаз тўйхона қуриш истаги борлигини айтди. Бу тақлиф барчага маъқул бўлиб, мутасаддилар ёрдамида тўйхона учун қўлай жой ажратилди. Шу кўнун бунёдкорлик ишларини бошлаб юбордик. Тўйхона баҳона, қишлоқ аҳлини тоза ичимлик суви билан таъминлайдиган яна

бир иншоотга эга бўлди.

Фаолиятим давомида шуни ангалаб етдикки, одамлар меҳнатдан қочмайди, эзгу, хайрли, савоб ишларини қилишдан фахрланишади. Маҳалла идораси ҳам фаоллар ёрдамида ҳашар йўли билан бунёд этилган. Қўпани қишлоғи билан Тўртқўл қабристони оралиғидаги икки қақирим йўл таъмирталаб аҳволда эди. Азадорлар ёзда чанг-тупроқдан, қишда лой-ботқондан азият чекишарди. Уни тартибга солиш тақлифини тадбиркор Шарофат Болтаева қўллаб-қувватлади ва ўз ҳисобидан беш миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлаб, кўчага шафал ётқизилди. Энди эса асфальтлашни мўжжаллаб турибмиз.

Маҳалла аҳлини доимий иш билан таъминлаш масаласини ҳал этишда тадбиркорлик қўл келаётди. Айни пайтда эллиқдан ортиқ хонадонда яқка тартибдаги ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Агар ҳар бир оилادا уч-тўрт киши иш билан банд бўлса, демакки, 150-200 нафар киши доимий машғулотага эга бўлади. Таъкидлаш жоизки, ҳукуматимиз томонидан қасаначилик фаолияти қўллаб-қувватланаётгани бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиряпти. Биргина тикувчилик билан қўллаб-қувватлаш шугулланишмоқда. Маҳфуза Умарова, Олия Мирбоева, Дилфуза Қўбилова сингари моҳир чеварлар томонидан тиклаётган миллий либос ва кашталар, кийим-кечаклар хорижий фирмаларникидан асло қолишмайди.

Халқимизда минг марта эшитгандан кўра, бир бора кўрган афзал, деган нақл бор. Қишлоғимизга таширив буюрсангиз, ўзингиз амалга ошириладиган бунёдкорлик ва ободончилик ишларининг шохиди бўласиз.

Темир Қўлдошев,
Самарқанд вилояти Пайарик
туманидаги «Қўпани» маҳалласи
оқсоқоли.

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

ТАРТИБ-ИНТИЗОМНИНГ САМАРАСИ БОР

Асака тумани "Янгисор" маҳалласида жойлашган 5-мактабда "Огоҳлик — давр талаби" мавзусида ўтказилган учрашувда ўқувчилар, маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этгани аниқ мўъжаз бўлди. Шу кўни

Посбон У. Абдуллаевага болаларнинг мактабга бориш-келишини, ўқиш ва интизомини назорат қилиш топширилди. **Посбон уларни бир неча ҳафта ўз назоратига олгач, болаларнинг мактабга қатнаши таъминланди.**

шиб бўлмайди. Назорат бор жойда тартиб-интизом, тинчлик-осойишталик ҳукм суради, — дейди маҳалла посбони У. Абдуллаева. — Маҳалламизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш учун ўн нафар библия, масъулиятли йигит посбон этиб тайинланган. Улар икки кишилашиб ҳар кеча профилактика инспектори Баҳром Мақсудов билан маҳалла ҳудудидида назорат олиб боришади. Маҳаллага ким келиб кетяпти, ким ким билан учрашяпти, нима иш билан шуғулланыяпти — барчасидан огоҳ бўлишади.

Ўтган йилнинг охирида йиғин расмисига мактаб директори Х. Отаева мурожаат қилиб, айрим хонадонларнинг фарзандлари мактабга бормаётгани, ўқитувчиларнинг ҳаракатларига қарамай, бу масалада яхши ўзгариш бўлмаётганини айтиган эди. Маҳалла оқсоқоли фаоллар билан маслаҳатлашиб, ана шу оилаларга вакиллар тайинлади. Посбон У. Абдуллаева болаларнинг мактабга бориш-келишини, ўқиш ва интизомини назорат қилиш топширилди. Посбон уларни бир неча ҳафта ўз назоратига олгач, болаларнинг мактабга қатнаши таъминланди.

Посбоннинг айтишича, ёшларнинг иш билан таъминланиши қўллаб-қувватловнинг олдини олади. Бу борада маҳалла фаоллари ҳамда туман бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорлигимиз қўл келаётди. Фаоллар ташаббуси билан маҳалладаги тадбиркорлар, шу жумладан, чевар Хуснора Ҳакимова, сандиксоз Хайрулло Мирзаев, чилангар Нурмуҳаммад Исмоилов-

га 20 нафардан зиёд ёшлар "Устоз — шогирд" йўналиши бўйича бириктириб қўйилди.

У. Абдуллаевнинг кўнундуги ишларидан кейин бажарадиган яна бир муҳим вазифаси бор. Бу жазони ўташ жойларидан қайтганлар ва милиция ҳисобида турувчи ёшлар билан олиб бориладиган

тарбиявий ишлардир. У ёшлар билан алоҳида суҳбатлашиб, уларнинг орзу-умидлари, муаммолари билан қизиқади. Шунга қараб уларга кўмак беришга интилади.

Узқобой САҚСОНБОВ,
"Mahalla" мухбири.

ЁНГИН ҲОЛАТИ ҚАЙД ЭТИЛМАДИ

ЯРИМ ТУНДА бозордаги дўконда ёнғин чиқишига бир баҳа қолди. Яхшиям, ўт ўчирувчилар вақтида етиб келишди. Акс ҳолда оқибати нима бўларди? Бўка тумани ёнғин хавфсизлиги бўлимидаги мутахассислари бу ҳолатни таҳлил этишганда дўкон эгаси электр энергиясидан ноқонуний фойдаланаётгани аниқланди. Шундан сўнг соҳа ходимлари туман электр тармоқлари, газ ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда бу каби ўзбошимчиликларга барҳам беришда ҳамда аҳоли ўртасида тарғибот ишлари кучайтиришди.

— Ҳамкорликдаги ишларимиз самарасиз кетмади, — дейди туман ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлимидаги бошлиғи Ҳуломжон Абдуразақов. — "Паркент", "Бўстон", "Ровот" каби маҳаллаларнинг раислари ва фаоллари осойишталикни таъминлаш, ёнғинлар содир этилишига йўл қўймайлик борасида яқиндан кўмаклашиб бошқа маҳаллалар ҳам намуна кўрсатишаётди. Ўтган давр мобайнида ана шу ҳудудлардаги хонадон ва муассасаларда кўнгилсиз ҳолатлар қайд этилмади.

Эндиликда соҳа ходимлари

яна битта хайрли ишни бошлашган. Улар туман тасарруфидаги мавжуд коллеж ва мактаблар, 15 та қишлоқ врачлик пункти қошида ҳафтада бир марта машғулотлар ўтказишни йўлга қўйишган. Мутахассислар гуруҳларга бўлиниб, ёнғиннинг олдини олишда нималарга эътибор бериш лозимлиги, ёнғин содир бўлганда қандай иш қўриш, ўт ўчириш воситаларидан қандай фойдаланиш бўйича бир соатлик сабоқларни олиб боришмоқда. Шунингдек, ана шу мавзуларда қишлоқ ва маҳаллалар ўртасида мусобақалар ҳам ўтказилаётди. Энг муҳими, намунали маҳалла, илгор мактаб, коллеж номинацияларида йил якуни бўйича ҳокимлик ва ёнғин хавфсизлиги бўлимидаги мифофотлари ҳам жорий этилган.

Айни пайтда бу тадбирларнинг натижаси кўзга ташланмоқда. Масалан, ўтган йилнинг дастлабки ойида ёнғин билан боғлиқ 20 та кўнгилсиз ҳолат қайд этилган. Бу йил эса бирорта ҳам бундай ҳолат содир бўлгани йўқ. Бу эса фуқаролар мазкур масалага масъулият билан ёндашаётганини кўрсатади.

А. ҚОДИРОВ,
журналист.

ФАОЛИЯТДАГИ ФАОЛЛАР

ИШТИЁҚ ОДАМЛАР
ОРАСИГА ЕТАКЛАЙДИ

Аёл меҳри... Уни нимага менг-заса муносиб бўлади? Кўк тоқидан нур сочиб турган кўёшгами, тўлиб оқаётган дарёларгами ёхуд шовул-лаб, солланиб ётган боғларгами?.. Ҳа, аёл зотиға қандай таъриф-у тавсиф бермайлик, барибир, камлик қилади.

Дарвоқе, бугунги дорилармон кунларимизни бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни теб-ратаётган мунис ва дилбар аёл-ларсиз тасаввур этиш қийин. Жамиятнинг қай бир жаҳасига на-зар ташламайлик, унда аёлларимизнинг ўрни, меҳнати, фидойи-лигиға гувоҳ бўласиз.

Оддий кишлоқ аёли, умрини одамларга яхшилик қилишга бах-шида этаётган Раҳима Отабоева ҳам ана шундай мўътабар аёлла-римиздан бири.

У узок йиллар кишлоқда ҳам-шира бўлиб ишлади. Кишлоқ-дошлари меҳрибон шифокорни кексалик нафақасига чиққан, хол-жонига қўймай маҳалла фуқаро-лар йиғинига ишга тақлиф этиш-ди. Тўрт йилдирки, Раҳима опа "Сарой" маҳалла фуқаролар йи-ғинида диний маърифат ва маъ-навий-ахлоқий тарбия масалала-ри бўйича маслаҳатчи сифатида фаолият юритиб келмоқда. Бу маҳаллада истиқомат қилаётган тўрт ярим мингга яқин аҳолининг аксарияти хотин-қизлар ҳамда ёшлар. Маҳалладаги ҳар бир хо-надон аҳлининг орзу-ўйлари, му-аммолари доимо опанинг эъти-борида.

Маҳалла ҳудудидаги мактаблар-да ўқитиладиган "Қизгина, ёдинг-да тут", "Эркакларнинг оиладаги ўрни ва масъулияти", "Бугунги қиз — эртанги она", "Маҳалла Ватан ичра Ватандир", "Қадим юртим қадриятлари" каби мавзулардаги кечалар, учрашувлар ҳамда кўрик-танловлар қатнашчиларга олам-олам заъв ва сурур бахш этиш би-лан бирга ёшлар тарбиясида ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Раҳима опанинг ташаббуси би-лан ташкил этилган "Оқила аёллар гурунги" маслаҳатхонаси эса кўпни

кўрган онахонлар, оқила, ораста ўй бекалари билан доимо гавжум. Яқинда опа яна бир хайрли ишга қўл урди. Кишлоқда миллий либослар ҳамда кашталар тикиш-га ихтисослашган касаначилик цехи йўлга қўйилди. Маҳалла че-вари Гулҳамза Раҳмонова етакчи-лигида ўн нафар хотин-қиз бу ишга жалб қилинди.

Жорий йилнинг Юртбошимиз томонидан Баркамол авлод йили, деб аталгани барча юртдошлари-миз қатори Раҳима опанинг ҳам айна кўнглидаги муддао бўлди. У тез-тез билим масканларида, ма-ҳалла гузарларида бўлиб, бугун-ги ёшларимизнинг орзу-инти-лишлари билан қизиқади. Уларга кўмак беришга ҳаракат қилади. Инчунин, ёш оилалар ҳам ҳам-иша опанинг назарида. Бирор-бир оилага озгина совуқчилик тушди-ми, у ўша хонадон томон ошиқа-ди. Ёш оилани асраб қолишга, қўйди-чиқдиларга йўл қўймаслик-ка уринади.

Олчиликда, ҳар бир рўзгорнинг ўзига яраша ташвиши бор. Баъ-зида маҳалла аҳли бирон-бир ма-салага ечим тополмаса, дарҳол Раҳима опанинг олдиға шошиша-ди. Ҳам-ташвишларини унга айти-шади. Опанинг маслаҳати, кўрсат-маларидан кўнгиллари тоғдай кўтарилади. Шундан бўлса керак, Раҳима опа кимгадир маслаҳатгўй, кимгадир қайвони, жонкуяр му-раббий.

Турмуш ўртоғи, меҳнат фажрий-си Худойкул Қўлдошев билан беш нафар фарзандини оқ ювиб, оқ та-раб камолга етказишди, эл ора-сига қўйишди.

Раҳима опанинг қалбида мудом бир туйғу барқарор: одамларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлиш, имкон қадар кўмак бериш. У ўз ҳаёти аъмолини шунда, деб билади. Аслида, жонкуяр инсон учун яшаш истаги, иштиёқи шу эмасми?

Дилфуза КОДИРОВА,
"Маҳалла" жамғармасининг
Китоб тўман бўлини маси
бош мутахассиси.

БАРЧА ЭЪТИБОР ЁШЛАР
КАМОЛОТИГА ҚАРАТИЛГАН

Чимбой туманидаги 5-сонли «Шохтемир» маҳалла фуқаро-лар йиғинида кўча бош-ликлари билан ҳамкорлик-да ҳудудда истиқомат қилувчи ҳар бир оиланинг турмуш шароитлари ўрганиб чиқилиб, кам таъминланган, кўп болали ва боқув-чисини йўқотган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, ҳомийлар бириктириш борасида ижобий ютуқларга эришилмоқда.

Айни пайтда йиғин мутасадди-лари асосий эътиборни аҳоли, хотин-қизлар, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қара-тишган. Боиси, фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини, мажбуриятларини бил-масдан туриб, бирор ишни муваф-фақиятли тарзда амалга оширол-маслиги мумкин. Бу борадаги саъй-ҳаракатларга фаоллар билан бирга, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилла-ри кўмак беришаётир.

Ёшлар ва хотин-қизларнинг тур-ли носоғлом диний оқимлар таъси-рига тушиб қолишга чек қўйиш, ма-ҳалланинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ил-латлар, ҳуқуқбузарлик, ғиёҳвандлик ва ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари-нинг олдини олиш бўйича кенг қўла-ми тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бордик.

Шунингдек, ту-ман хотин-қиз-лар кўмитаси, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва-киллари, дин пешволари ҳамда фаол-лар ҳамкорли-гида тез-тез диний ақида-парастлик, эк-стремизм, миссионер-ликнинг олди-ни олиш борасида суҳбатлар уюш-тириб турамыз. Саъй-ҳаракатлари-миз натижасида ўтган давр мобай-нида турли диний оқимлар таъсири-га тушиб қолганлар қайд этилди.

Бугун маҳалла маслаҳатчиси зим-масидаги вазифалар салмоғи кат-та. Аналий ва болалиқни муҳофа-за қилиш борасидаги ҳуқуқат қарорла-рини ҳаётга татбиқ этиб, аҳоли ўрта-сид

Қизларимизнинг иқболли, касб-корли, билимли бўлиб етишишида йиғин фаоллари билан бирга, мактаб мутасад-диларининг ҳам хизмати катта. Ғўша-мизда «Оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлигининг изчил йўлга қўйилгани, ёшларни касб-хунарга йўналтириш, ёш оилаларнинг турмуш тарзини яхшилаш бўйича қўлланаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда.



сида ўқув машғулоти ўтказяпмиз. Юзага келаётган айрим оилавий му-аммолар Яраштириш комиссияси билан ҳамкорликда бартараф эти-лаётгани боис, охириги уч йил мо б айнида оилавий аж-римлар қайд этилгани йўқ.

Аҳоли ўрта-сида соғлиқни сақлаш, проку-ратура, ички ишлар идора-лари ҳамда «Маҳалла» жа-мғармасининг туман бўлин-маси ҳамкор-лигида «Ҳуқуқингизни биласизми?», «Тиббий кўрикдан ўтишингиз афзал-ликдир», «Огоҳлик — давр талаби», «Ўзбекистон келажаги соғлом авлод қўлида», «Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш» каби мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилаёт-ган. Бу йўналишдаги ишларимизга

маҳалла «мактаб» ҳамкорлигининг изчил йўлга қўйилгани, ёшларни касб-хунарга йўналтириш, ёш оилаларнинг турмуш тарзини яхшилаш бўйича қўлланаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

«Ҳуқуқингизни биласизми?» мавзу-сидаги тадбирлар уларнинг ҳуқуқий билим ва савиясини оширишга, улар онгига мажбурият, масъулият каби тушунчаларни мустаҳкамлашга хиз-мат қилаётир.

Айтиш жоизки, бугун кўплаб иж-тимой муаммолар маҳаллаларда ҳал этилаётир. Шу жумладан, аҳоли бан-длигини таъминлаш муаммоси ҳам айнан йиғин фаоллари ёрдамида бартараф этиляпти. Туман бандлик-ка кўмаклашиш маркази билан ҳам-корликда хунардан ёшларни иш би-лан таъминлаш чоралари кўрилиб, кўплаб маҳаллий ёшлар тумандаги корхона ва ташкилотларга ишга жой-лаштирилди. Ҳозир ҳудудимизда аҳолиға маиший хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида икки-та тикув цехи ва суратхона фаолият кўрсатаётир. 18 нафар хотин-қиз ка-саначилик асосида иш билан таъ-минланган. Қизларимизнинг иқбол-ли, касб-корли, билимли бўлиб ети-шишида йиғин фаоллари билан бир-га, мактаб мутасаддиларининг ҳам хизмати катта. Ғўша-мизда «Оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлигининг изчил йўлга қўйилгани, ёшларни

касб-хунарга йўналтириш, ёш оила-ларнинг турмуш тарзини яхшилаш бўйича қўлланаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Кишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари — қай-вони онахонларимиз У. Абилаева, Г. Султамуратова ва Р. Турсиновалар давлатимиз томонидан яратиб бе-рилган шароит ва имкониятлар ту-файли яқинда ҳаж сафарига бориб келиш бахтиға муяссар бўлишди. Меҳр-оқибатли онахону отахонлар-нинг борлиги, уларнинг панду наси-ҳатлари, эзгу йўл-йўриқлари фаоли-ятимизда асқатаётир.

Юртбошимиз ташаббуси билан 2010 йил — Баркамол авлод йили, деб элон қилинган маҳалладошлар томонидан илиқ қутиб олинди. Ай-ниқса, ёшлар янги йилда давлати-миз томонидан ёшларнинг таълим олиши, спорт билан шуғулланиши учун янги имкониятлар яратиб бе-рилишини қалбдан ҳис қилишаётир.

Азатжон ХУДАЙБЕРГЕНОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
Чимбой тумани «Шохтемир»
маҳалла фуқаролар йиғини
маслаҳатчиси.

КАСБ ФИДОЙИЛАРИ

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ИНСОННИ
УЛУҒЛАЙДИ

Юртимизда тотув оиланинг бахтли бекаси бўлиш би-лан бир қаторда ўзининг маҳорати, ишчанлик ва инсонийлик фазилатлари билан ҳаётимизнинг барча соҳа ва жаҳаларида бошқаларга ўрнак бўлаётган хотин-қизлар кўпчилигини ташкил этади.

Дилором Ғозбоева Бекобод ту-манининг сўлим кишлоқларидан би-рида таваллуд топди. Ўрта мактаб-ни тамомлагач дастлаб Тошкент ви-лояти ички ишлар бошқармасида иш юритувчи сифатида иш бошла-ди. Фаолияти давомида ички иш-лар идоралари ходимларининг масъ-улиятли хизматлари билан яқиндан танишгач, унда ҳам милиция хо-дими либосини кийиб, хизмат қилиш-га бўлган иштиёқ кучайди.

Табиатан тиниб-тинчимас қиз ўз устида қаттиқ ишлади, билимини оширди. Натижада Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) юридик факультетини тамомлади ва 1990 йилдан қадрдон жамосида терговчи сифатида иш бошлади.

Ёш ҳодимнинг касб сирини ўзлаштириши, жамоаға киришиб ке-тиши осон кечмади. Бу вазиятда таж-рибали мураббийга эҳтиёж сезили-ши табиий. Ҳалқимиз: «Устоз кўрма-ган шогирд ҳар ма-қомға йўғралар», деб бежиз айтмаган, ахир. Бу борада Дилором Ғозбоевага омад ку-либ бокди. У хизмат сирларини эгаллаш-ида меҳнатлари синган марҳум устози, гене-рал-майор Комилжон Гофуровнинг номини миннатдор бўлиб эслайди.

Ўтган йиллар давомида Дилором Ғозбоева пойтахт вилояти ИИБда терговчи, катта инспектор, бўлима бошлиғи ва бошқарма бошлиғи ла-возимларида ишлаш жараёнида, ўзи ҳам устоз даражасига кўтарилди, кўплаб ёшларга йўл-йўриқ кўрсатди. Бугун уларнинг кўпчилиги ички иш-лар идораларида раҳбарлик лаво-



зимларида ишламоқда.

Ўз ишининг моҳир билимдони бўлган Д. Ғозбоева 2006 йилда рес-публика Ички ишлар вазирлигига

Маҳаллада опага кўпчилик ҳавас билан қарайди, турли масалаларда йўл-йўриқ, маслаҳат сўрайди. У маҳал-ланинг каттаю кичик тад-бирларида қатнашишга ҳаракат қилади.

қарши кураш бош бошқармаси бош-лигининг ўринбосари лавозимида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

— Ички ишлар идораси ходими биринчи навбатда масъулиятни чу-қур ҳис қилмоғи лозим, — дейди полковник Д. Ғозбоева. — Ўз устида қатъият билан ишлаш инсонни бахт сари етаклайди.

Дилором опа учун оила ҳам, хиз-

мат ҳам бирдек муқаддас. Турмуш ўртоғи Шербек ака билан қизлари Наргизахонни оқ ювиб, оқ таради. Кўёвлари Нусратбек Бекобод тумани ички ишлар бўлимида ишлайди. Бир-биридан тотли неваралари Ширин билан Аббос таъриф буорганда уй-лари шодликка тўлиб кетади.

Дилором опа бўш вақтларида ки-тоб ўқишни яхши кўради. Айниқса, табдрий асарларни севиб мутлола қилади. Маҳаллада опага кўпчилик ҳавас билан қарайди, турли масала-ларда йўл-йўриқ, маслаҳат сўрайди. У маҳалланинг каттаю кичик тадбир-ларида қатнашишга ҳаракат қилади.

Ҳа, ҳалол меҳнат, кучли ирода ва қатъият инсонни улғайлади. Ана шу ҳаётий ҳақиқат оддий, камтарин ва самимий аёл — полковник Дило-ром Ғозбоева тимсолида янада ёрқин акс этган.

Норали ОЧИЛОВ,
ИИБ Матбуот маркази
бош инспектори.

САОДАТ МАНЗИЛЛАРИ

ҚЎГИРЧОҚЛАРНИНГ СИРЛИ
ОЛАМИ

ЁШЛИГИМДАЁК мени ўзига мафтун этганди

Жиззах шаҳрининг Олмазор маҳалласида туғилиб, вояға етан-ман. Қизиқувчан ва ҳаракатчанли-гим боис отам менга қизалоқли-гимда қўғирчоқ совға қилган экан. Катталарнинг гапига қараганда, қўғирчоқ билан кун бўйи дардлаш-ганим етмагандек, уни кечалари бағримга босиб ухлар эканман. Қўғирчоқларнинг сирли олам эканлигини ёшим улғайганда ан-ладим.

Болалигимданок қўғирчоқларни оддий ўйинчоқ эмас, балки яқин сирдошларим сифатида қабул қилиб, дардлашишга одатланган-дим. Кўнглимдаги тўғёнларимни уларга тўкиб солиб, ангилликлар-кашф қилганимга қирқ йилдан ошиб кетибди. Ойижонимнинг кўмагида бисотимдаги қўғирчоқла-римнинг ҳаммасини миллий ли-бослар билан кийинтирдим, мак-таб ва боғчаларда бепул томоша "Ойижонимизга раҳмат!" дея гапи-радиган бўлди.

Ўрта мактабни битириб, Жиз-зах давлат педагогика институ-тининг педагогика ва бошланғич таъ-лим методикаси факультетига ки-риб ўқиётган пайтимда ҳам қўғир-чоқларим кўз олдимдан кетмасди. Мен уларга бутунлай боғлиқ қол-ганимни чин дилдан ҳис қила бош-ладим. Ушбу соҳадаги фаолиятим-дан ҳабар топган курсдошларим менга бу ишни институт хизматида жорий қилишни тавсия этишди. Факультет раҳбарлари бунинг учун керакли шарт-шароит яратиб бе-ришни ўз зиммаларига олдилар. Ҳам ўқиб, ҳам санъат соҳасидаги фаолиятимни давом эттириш учун имконият яратилди. Сафимизга санъатга ихлосманд талабалар жалб қилиниб, ютуқлар рағбатини топди.

Институтни битиргач, қоғозлар-ни елимлаш йўли билан янги тур-даги қўғирчоқлар ясашни ўзлаш-тирдим. Қўғирчоқларда ўзбек қиз-ларига хос фазилатни очиб бе-ришга ҳаракат қилдим, уларни мил-

лий либослар билан кийинтирдим.

Вақт ўтиши билан қўғирчоқла-римизга турли ташкилотлардан бу-юртмалар туша бошлади. Шундан сўнг оилавий фирмамизни тузиб, пулли хизматни йўлга қўйдик. Қизим Насиба дизайнер сифати-да менга яқиндан кўмак бера бош-лади. Турмуш ўртоғим ва фарзанд-ларим ҳам қараб туришмади. Хул-лас, ишимиз юришиб кетди. Вақт ўтиши билан қўғирчоқ театр таш-кил этиб, шаҳар маҳаллаларида то-мошалар кўрсата бошладик.

Томошаларимиздан ҳабар топ-ган шаҳар ва вилоятимиз раҳбар-лари бизга амалий ёрдам кўрса-тишди. Асосан оиламиз аззола-ридан таркиб топган жажжи "те-атр"имизга болалар муассасала-ридан — боғча ва мактаблардан кўплаб буюртмалар тушарди. Шуни таъкидлашим лозимки, мак-таб ва боғчаларда бепул томоша кўрсатамиз.

Мана, 31 йилдирки, қўғирчоқ ва ўйинчоқлар билан тиллашиб, ушбу нозик соҳани жонлантириш иши-га ҳисса қўшиб келаётирман. Шу билан бирга, шаҳардаги "Ширин" махсус мактабгача таълим муассаси-да тарбиячи-логопед вазифа-сида ишлаб, руҳий ривожланиши орқанда қолган болаларни қўғирчоқ ва ўйинчоқлар ёрдамида даволаш йўлида изланиш олиб борапман. Хўштак ва мусиқа асбобларини чалдириш орқали болаларнинг то-моғидаги тўсиқларни очиб ва уларни гапиртиришга ҳам муваф-фақ бўляпмиз.

Тарбия жараёнини такомиллаш-тириш, қўғирчоқлар оламини бо-йитиш, руҳий касалликка чалинган болаларни турли усуллар ва илмий йўл билан даволаш борасида олиб бораётган изланишларимиз ма-ҳаллалар аҳолиси ҳамда тарбия муассасалари томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Оддий қогоз, елим ва лойдан ясалган хўштак ҳамда мусиқа асбоблари-мизга талаб катта. Нафақат шах-

римиз ва вилоятимиз, балки Са-марқанд, Бухоро, Андиҳон ва Хо-разм қўғирчоқ театрларининг бу-юртмалари асосида ишлаб, улар-ни замонавий қўғирчоқ ва ўйин-чоқлар билан таъминлаб туриб-миз. Шунингдек, қўғирчоқ театр-лари ишини жонлантиришга оид йўриқномалар тайёрлаб, ўз ҳам-корларимизга жўнатапмиз.

Иш фаолиятим давомида ил-мий изланишлар олиб бориб, соҳамизга оид ўндан зиёд китоблар, методик қўлланмалар ҳамда "Қалбимга қулоқ сол" фильмининг яратишга муваффақ бўлдим. Педагогика фанлари номзоди, доцент сифатида ёшлар онгига миллий истиқлол ғояларини синдириш бораси-да олиб бораётган ишларим му-ваффақиятли яқун топмоқда. Сўнгги йилларда олиб борган изланиш ва илмий ишларим давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. 2005 йилда Прези-дентимиз Фармонига биноан "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирландим. Педагогик фаолиятим давомида икки мингдан зиёд болаларни тарбиялаб, ҳаётда ўз ўринлари-ни топишга кўмаклашдим. Бар-камол авлод йилидаги режала-рим янада улкан.

2009 йил ҳаётимда ўчмас из қолдирди. "Йил аёли" миллий тан-ловининг шаҳар ва вилоят бос-қичларида қатнашиб, ғолибликни қўлга киритдим. Танловнинг рес-публика босқичида мутлақ ғолиб-ликка эришдим. Бу ютук мени янги марралар сари чорлаб, ўз устим-да янада жиддийроқ ишлашга дав-ват этмоқда. Айни чоғда янги-янги миллий ўйинчоқ ва қўғирчоқлар яратиш борасида изланишлар олиб борапман.

Мамлакат ЭРМАТОВА,
Жиззах шаҳридаги "Ширин"
махсус мактабгача таълим
муассасаси логопед-тарбиячиси.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ҚАЛБДА МАСЪУЛЛИК ҲИССИ

Хар томонлама соғлом, баркамол авлодни воғда етказишда маҳалла ва оиланинг ўрни бекиёс. Зеро, инсон, аввало, оилада ҳамда маҳаллада шаклланади. Шу боис, дидеҳимизда маҳаллалар, ўз навбатида, оилалардаги муҳитни яхшилашга, ота-она ўртасидаги тотувликни шакллантириш ҳамда ёш ва ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга бегараз ёрдамни амалга оширишга жиддий эътибор қаратилаётир. Бундай долзарб вазифаларнинг ҳуқуқий жиҳатлари мамлакатимиз қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майда қабул қилинган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони айнан республикаимизда истиқомат қилаётган, эндигина мустақил ҳаётини бошлаган ёш оилаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, фарзандларини соғлом қилиб тарбиялашга қўмаклашишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилляпти. Шунингдек, Президентимизнинг "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воғда етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Қарори ҳам соғлом оилани шакллантиришга, баркамол авлодни воғда етказишга қаратилган бўлиб, бу борада маҳаллаларда ФХДё ва қатор тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида муайян ишлар олиб борилаётир. Ушбу ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини эндигина оила қураётган ёшларга тушунтириш учун тумандаги деярли барча фуқаролар йиғинларида аҳоли ва ёшлар ўртасида учрашувлар ўтказилиши ва шу орқали оилалар тинчлиги, тотувлигини таъминлашга эришилмоқда. Жонли мулоқотлар,



суҳбатлар ташкил этиш натижасида туман миқёсида оилавий ажрилар сони камаймоқда.

Фаолиятимиздаги ижобий ютуқлар, муваффақиятлар ўзимизники. Бироқ очигини айтиш керак, орамизда ҳануз ёшларни қонуний никоҳдан ўтказишга, уларнинг саломатлигини текширишга лоқайд қараётганлар ҳам учраб турлади. Бундай ҳол турли касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Айниқса, қариндошлар ўртасида тузилмаган никоҳлар оилаларнинг ажрашишларига сабаб бўлаётир. Бундай дейишимизнинг сабаби бор, албатта. Чунки қариндошлар ўртасидаги никоҳ ногирон фарзандлар туғилишига, бепушликка олиб келишни бугунги замонавий тиббиёт исботламоқда.

Айниқса, эндигина оила қураётган ёшлар ўртасида қонуний никоҳнинг афзаллиги жиҳатлари хусусида тушунтириш ишлари олиб борилаётир. Сай-ҳаракатларимиз самараси ўлароқ, эндиликда никоҳларни тўй куниде қилиш анъанага айланди.

нинг ажрашишларига сабаб бўлаётир. Бундай дейишимизнинг сабаби бор, албатта. Чунки қариндошлар ўртасидаги никоҳ ногирон фарзандлар туғилишига, бепушликка олиб келишни бугунги замонавий тиббиёт исботламоқда.

Шундай экан, ёш йигит-қизларни оилага тайёрлашда мазкур жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратиш зарур. Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тумандаги Янгиариқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Озод Абдуллаев, Бурлаббо қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Жаҳонгир Вафоев, фаоллар, маслаҳатчилар, йиғин қошидаги Хотин-қизлар билан ишлаш ва Яраштириш комиссиялари аъзолари ҳамкорлигида маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот тадбирлари изчил йўлга қўйилган. Айниқса, эндигина оила қураётган ёшлар ўртасида қонуний никоҳнинг афзаллиги жиҳатлари хусусида тушунтириш ишлари олиб борилаётир. Сай-ҳаракатларимиз самараси ўлароқ, эндиликда никоҳларни тўй куниде қилиш анъанага айланди. Натижада, ўтган давр мобайнида 837 та никоҳдан 263 таси айнан тўй куниде этилиб, турли англашилмовчилик, тартиббузарликларнинг олди олинляпти.

Ёш йигит-қизларни оилага тай-

ёрлаш борасида олиб борилаётган хайрли ишларнинг аксарияти туман ФХДё бўлими ходимлари ва маҳалла мутасаддилари билан ҳамкорликда ҳудуддаги "Ёш оила қурувчилар" мактаби томонидан амалга ошириллаётир. Ўтган йилнинг сентябрь ойидан бошлаб тумандаги барча касб-хунар коллежларида ушбу мактаб фаоллари ташаббуси билан ўқув-масгулотлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бунда никоҳни қайд этишдан олдин, икки ёшнинг тиббий кўрикдан ўтказилиши муҳимлиги видеолавҳалар орқали кенг тушунтириллаётгани яхши самара бераётир. Бу, ўз навбатида, оилаларда соғлом маънавий муҳитнинг қарор топиши, шунингдек, келажагимиз воришлари бўлиши ёш авлоднинг баркамол бўлиб улғайишида муҳим омил бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ражаббиди ПАНОВА,
Хоразм вилояти Янгиариқ тумани
ФХДё бўлими мудири.

ОИЛА ТИЛСИМИ

МЕНИ КЕЧИРИНГ...

УШБУ биргина жумлада сулҳ ҳам, илтижо ҳам, ярашув ҳам, меҳру муҳаббат ҳам, оиланинг келгуси аҳил ҳаёти ҳам муҳассам эди...

Ҳаммаси арзимас гапдан бошланди. Ўша кунни улар қариндошлариникига туғилган кунни нишонлагани боришмоқчи эди. Нозима ўғлини ҳафсала билан кийинтираркан, нариги уйда уларни қутаётган турмуш ўртоғи Азимга ҳисобот берган бўлди:

— Дадаси, биз тайёр.

Кейин эса янги кийим кийган ўғлига бошқача меҳр билан боқди. Аммо ранги унқиқан ботинкасида кўзи тушган, кўнгли хижил бўлди.

— Қаранг, янги кийимлар болажонимни қандай очди? Нақ қувё бола дейсиз. Лекин ботинкаси ярашмай турибди-да.

— Кўнглинг тўқ бўлсин, Нози, келгуси маоршда ботинкасини ҳам янгилаймиз, — ўзича далда берган бўлди Азим.

— Хотамтойлик қилмаганингизда, янги ботинка ҳам олардик.

Аслида оилада болага пойабзал олиш ўтган ойда режалаштирилган эди. Шу боис, Азим маоршини олиши билан йигирма минг сўмни ажратиб, чўнтагига солди, кийим бозорига қараб йўл олди. Расталарни айланаркан, ногоҳ елкасидан кимдир туртди. Рўпарасида Раҳим жилмайиб турарди.

— Азим, ўзингмисан? Кўришмаганимизга ҳам неча йил бўлди. Қарангиз бор, деб йўлламайсан ҳам.

Раҳим Азим билан бир курсда ўқиса-да, ёши ундан анча катта эди. У институтга қирмасдан олдиқроқ ўйланган, ўқини битирган даҳол қишлоғига қайтиб кетганди. Азим эса аёло ўқигани учун институтнинг аспирантурасида қолганди.

— Шу десанг, қизимизнинг мактабиде қандайдир тадбир бор экан, — мудооага кўчди курсдоши. — Барча қизлар келишиб, оқ кўйлак кийишмоқчи бўлишибди. Шунақа кўйлак шу бозорда бор экан. Нарҳи ҳам осмонда. Сени кўрганим яхши бўлди. Пулим бироз етмай қолди. Энди уйга қайтиб, эртага пулни тугал қилиб келиб, шу зормандани олиб кетаман, деб тургандим. Ўртоқ, агар ёнингда пулинг бўлса, бериб тур. Эртагаёқ қайтараман. Болаларни биласан-ку, қуруқ борсам кўнгли ўксиди.

Азим курсдошининг раини қайтаролмади. Бир ҳаёли ўғилчасини ўйлаб, рад жавобини бермоқчи бўлди. Лекин дўстининг умидвор нигоҳи кўнглини эритди. Ҳаммасидан ҳам, курсдошининг гуруҳнинг олд талабаси бўлиб, институтда қолиб, ҳолинг шу бўлди-ми, деган ҳаёлга боришдан оранди. Шу боис, пойабзалга ажратган йигирма минг сўмни олиб, «Топганингда қайтарасан», дея Раҳимнинг кўлига тутқазди. Аммо на эртаси, на индинига курсдошидан дарак бўлди.

Ҳозир Нозима шунга ишора қилаётганди.

— Бўлди қил, у бечора ҳам иложсизликдан пулни қайтаролмаётгандир, — курсдошини ҳимоя қилди Азим. — Ҳар ҳолда арзиманган пул учун қайғуравериш яхши эмас.

— Ҳа, яшанг, андишангиз ҳам бор бўлсин, — баттар забтига олди Нозима. — Шу андиша туфайли бировлар оиламиз, болаимиз ҳақини тўла қилишми-да, сиз қараб тураверинг.

— Нозима, ҳой, Нозима, — бу гал Азим ҳам қизиди. — Нима, кунимиз ўтмаётими?

— Фақат кун ўтганига яшаш керакми? Одам бўлиб туғилгандан сўнг, одамдек яшаш керак-да. Бизнинг топганимиз ёйиш-ичишдан ортмас. Шу ҳам ҳаёт бўлди-ми?

Шундай қилиб арзимас гап оилавий жанжалга айланди. Нима бўлаётганини тушунмай турган болакай эса ҳамон меҳмонга боришдан умидвор. Ниҳоят сабри етмади шеклилли, онасининг ёнига бориб сўз қотди:

— Ойижон, холамга боямиз-а. Тетдикми?

Аммо бу пайт катталарда меҳмондорчилик таррадуҳи ҳам, заъки ҳам сўниб бўлганди.

— Нарг тур, ўзи сен етмай турувдинг, — фарзандини силтади она. — Йўқ, бормаймиз. Холаги ўлибди, онанг ҳам ўлган, тушундингми, ўлган.

Боланинг йиғлаши жанжалнинг кучайишига туртки бўлди.

— Аламингни боладан олясанми? Қанақа онасан?

— Ҳа, мен шунақа онаман.

Ўзингиз-чи, ўзингиз қанақа отасиз? Болангизни яхши кийинтиролмасангиз, едирилмасангиз, қандай ота бўлдингиз? Бирор марта ўғлимга, "деб кийим ёки ширинлик олиб келдингизми? Ташганингиз фақат китоб. Тўғри-ми, айтми? Шу вақтга мен ўзим учун бирор нарса сўрадимми? Йўқ. Сўрамайман ҳам. Шу пайтага кўзим кўр экан. Сизга тегиб нима топдим ўзи?

Бу гап эрининг сабрини тугатди. Унинг ҳамияти кўзди.

— Ундай бўлса, бошингиз очик, хоним! Бошқа сўзим йўқ.

Одатда, бундай вазиятда томонлардан бирининг ён бериши билан барчаси ўз изига тушиб кетади. Аммо аёл шу дамда ўзини ҳақ ҳисоблар, эркак бўлса орият туфайли ғолибликни қўлдан бой бергиси келмасди.

Шу кеча улар турмушларида биринчи марта жойларини алоҳида солишти. Иккаласи ҳам келгуси муносабатларини ўйлаб тонгача мижага қоқишмади.

«Нозимага нима бўлди, — ўйларди Азим. — Наҳотки, шу мен севган, меҳр қўйган аёл бўлса? Бояги сўзларини чин дилдан айтгани ёки ҳақиқатданми?»

Ўйлаб кўрса, уларнинг ўртасидаги меҳр-муҳаббат тўйдан кейин ошган экан. Тўғри, ўшанда ҳам етишмовчилик, қийинчиликлар бор эди, лекин Нозима бирор марта ҳам нолиган эмас. Қайтага Азимжон сабри тугаб, илми ташлаб, бирор даромадли соҳада ишламоқчи бўлган кезларда эрига далда берар, унинг далдаси йиғитни яна ўзи севган соҳага қайтарарди. Нозима ишдан чарчаб келган кезлари ҳам дарров овқатга уннар, сўнг компьютерда соатлаб ўтириб, Азимнинг қўлёзмаларини оққа кўчирарди.

Наҳотки, бу ўша Нозима бўлса? Қачон ўзгариб қолди у?

...Азим даразадан тоғ ёришаётганини кўриб, ўрнидан турди. Кийимларини йиғиштириб, жамадонга жойлади. Китобларини ҳам олиб кетмоқчи эдию, оғирлигидан бошқа кун укасини юборишни дилига тугди.

Ошхонага ўтганда стол устида нонушта тайёрлигини кўрди. Нозима ҳам у билан бир вақтда ўрнидан турган, Азим кийимларини жойлагунча чой дамлашга улгурганди. Аммо йигит овқатга қўл ҳам теккизмади. У хали ҳам жаҳлидан тушмаганди. Эру хотин ҳам бир неча соат ўз юмушлари билан қўймаланса-да, ҳеч бири оғиз очмади. Иккала томон ҳам бир-биридан илк муждан кутишарди. «Тамом, кетаман, — қатъий қарорга келди Азим. — Майли, ўғлим учун уй ижараси, қундалик харажатларига пул юбориб тураман. Ажралиш қорозини почта орқали жўнатаман».

Шу қарор билан жамодонини кўтариб эшикка чиқарган «дада», деган овоз уни тўхташга мажбур қилди.

— Дада, — эндигина уйғонган ўғли кўзларини укалаб отасига талпинди. — Бугун тетманг, мен билан ўйнанг.

Азим ҳеч бўлмаса ўғли билан хайрлашмоқчи бўлди. Ўқларини ерга қўйиб, ўғли қаршисига чўққалади. Бармоқлари билан боласининг сочини тараркан, икки юзидан ўпди. Аммо бу билан ҳам қониқмади. Энди у шу зурриёди, ўз вужудининг бир бўлаги, дилбанди билан хайрлашяпти. Аъзойи баданини айрилиқ ҳисси қамраб олди. Қандайдир куч ўғлини ундан тортиб олаётгандек, маҳкам қучоқлади. Сўнг яна ўғлининг боши, юзи, кўзидан ўпа бошлади. Тин олиб, фарзанди ҳидига тўйди. Кўзларидан икки томчи ёш думалади. Кўз ёшини яшириш учун ўрнидан туриб кетмоқчи ҳам бўлди. Бардоси етмади. Ўпкасидан вулқон янглиғ отилиб келган йиғисини тўхтатолмади. Фарзандини қаттиқ қучиб, сассиз йиғларкан, олдида турган айрилиқни енгishi учун ғойибдан нажот истади. Бу манзарани кузатиб турган Нозима ҳам чидаб туролмади. Фарзандидан айрилётган Азим олдида бораркан, унинг бўйнидан маҳкам қучоқлаганча изиллаб йиғлаб юборди.

— Мени кечиринг, м-м-мени кечиринг...

Ушбу биргина жумлада сулҳ ҳам, илтижо ҳам, ярашув ҳам, меҳру муҳаббат ҳам, оиланинг келгуси аҳил ҳаёти ҳам муҳассам эди...

Ақбар РУСТАМОВ

ДУНЁНИ ЯХШИЛИК БЕЗАЙДИ

Кобилжон ишдан қайтиб уйга кираётганда хотини Махфуза шошиб чиқаётган эди.

— Ҳа? Йўл бўлсин? — деди Қобилжон.

— Вой, дадаси, унутдингизми? — ажабланиб Махфуза. — Ахир бугун «гап»имиз бор-ку!

— Кечки овқат...

— Ҳаммаси тайёр! — эрининг гапини бўлди Махфуза.

— «Гап»инглар бўладиган кунни жуда қаққон бўп қоласан-да, аяси, — деди қулиб Қобилжон.

— Дугоналаринг билан роса ғийбатни дўндирсанглар керак?

— Нега ундай дейсиз? «Гап»имизда мактаб давримиз, болалигимизни эслаймиз, ҳозирги турмушимиз, келажақ режаларимиз ҳақида фикрлашамиз, синфдош дугоналар мириқиб суҳбатлашиб дийдорлашамиз-да. Зап ажойиб дугоналарим бор-да: содда, хушчақчақ, қунончақ.

«Гап»имизда ғийбат, фиску фасодга ўрин йўқ, дадаси.

Махфуза эрига шуларни айта туриб йўлга тушди. «Тавба, хотинларнинг «гап»ида нуқул ғийбат бўлади, деб ўйлашди, шеклилли, — деди у ўзига ўзи. — Биз ҳеч кимни ғийбат қилмаймиз.

Фақат... Фақат Хосият сал-пал... Йўқ, у ҳам ҳозир анча ўзгариб қолган». Махфуза йўл-йўлакай дугонаси билан боғлиқ воқеаларни эслади.

...Хосият жиззакчи, салга ҳақли чиқадиган, ғийбатга мойил аёл эди. Аммо дугоналарнинг тўғри маслаҳати туфайли у мут-

лако ўзгарди.

Хосият овсини билан бир ҳовлида турар, доим овсинидан нолир, гоҳ менсимай гапирар, гоҳ куракда турмайдиган гаплар билан уни ерга ургани-урган эди. Хосиятнинг қайнана-қайнатаси вафот этишган, шунинг учун ўзини оилада катта тутар, фақат менинг айтганим бўлиши керак, дер эди. «Бугун эрталаб овсиним сизги соғиши керак эди, навбат унинг да ахир, — деб гап бошлади у бир сафар. — Қарасам, эрталаб ҳеч уйдан чиқмаяпти. Кун чошгоқ бўлиб кетди ҳам йўқ. Охири уйига кирдим. Вой, айтсам ишонмайсизлар, ҳали тўшагидан турмаган экан, ўраниб ётиб олибди. «Мазам йўқ, иситмам борга ўхшайди», дейди минггиллаб. Бу дегани, сизнинг ўзингиз соғ, дегани-да! Соғдингми, дейсизларми? Бе, нега соғарканман? Унинг атай ўзини касалга солаётганини билмайдиган гўлмасман-у. Кейин нима бўларди? Вақт тушга яқинлашиб қолганда букчаиб чиқиб сизгирни соғди. Овқатга уннаманимни кўриб, овқат ҳам қилди. Қилмай қаёққаям борарди?! Хўжайиним, бу ёққа келаятсам: «Овсининг касалга ўхшаяпти, овқат қилиб, мол-ҳолга қараб кета қол», дейди менга». Шундан сўнг Хосият ўзининг «жўяли» гапларини эшитиб, эри гинг деёлмай қолганини, ўзининг мутлақо ҳақлигини айтиб «мактанди».

Бу гапларни тинглаб ўтирган аёллардан ҳеч бири уни оқламади. Аксинча, овсинига ачиниби, Хосиятга танбех беришди. Хоси-

ят уларга қўл силтаб, ўз фикрида қолди. Шунда боядан бери жим ўтирган Махфуза гап бошлади.

— Хосиятнинг гапини тинглаб, қайинсинглим билан жанжаллашиб қолганимизни эсладим, — деди у. — Ҳаммамиз ҳам ота-онамизнинг бағрида эрка бўлиб ўсганмиз. Янги келин бўлиб тушган пайтларим менга тенгдош қайинсинглимнинг иш буюриши, қилган ишларимдан айб топиши жуда асабимизга тегади. Айниқса, бир гал мен супуриб чиққан ҳовлини қайта супурди. «Кен-нойи, ишни чала қилмасдан, яхшилаб супурсангиз бўлмайди», қаранг, бурчакларга супурги ҳам тегмаган! деб ақл ўргатди. Мен ҳам жим турмадим. У бўлди, бу бўлди, хуллас, қаттиқ айтишиб қолдик. Бизнинг даҳанаканки жангимизни эшитиб ўтирган қайнатам ҳар биримиз билан алоҳида-алоҳида гаплашди. Қайинсинглимга нима деганини билмадим, менга бир қизик ривоят айтиб берди: «Қадим замонда бир ҳукмдор ғийбатчиларнинг гапига кириб бир олимни зиндонга ташлабди. Уни ҳар кун аёвсиз калтаклаб қийнабди. Тақдирнинг ишини қарангки, йиллар ўтиб ўша олим ҳукмдор бўлибди. Ҳоким, энди куним битди, мени ўлдириши тайин, деб ўйлабди. Аммо олим уни ўлдирмабди, ҳатто зиндонга ҳам ташламабди. Ҳар кун уни чақиртириб, олимга неча дарра урдирган бўлса, шунча миқдорда олтин бераверибди. Ҳукмдор виждон азобида қийналиб қаттиқ пушаймон бўлибди. У олимнинг



ДУГОНАЛАР ОИЛАЛАШГАНДА

пойига бош уриб келиб, ўзини дорга остиришини ўтинибди». Шу-шу қайинсинглим билан қайта жиққиллашмади. Ҳозир ўз туғишган сингилларимдан кўра у билан яқинман, сирдошман. Дугонажон, бир-биримизга фақат яхшилик соғиниб яшайлик, чунки яхшилик қилишдек олиймаком фазилат турганда, тубан йўл тутишга на ҳожат?

Бу гапдан сўнг орага жимлик чўкди. Хосият бошини эгди...

Кейинги сафарги «гап»да Хосият овсинидан гап очмади. У бошқача қайфиятда эди. Ундан бу ҳақда сўрашди.

— Ўша кунни уйга борсам, ўғлимни касалхонага олиб кетишибди. Кўчада овқатланган экан, овқат ёқмай аҳоли ёмонлашибди. Ҳовлиқиб касалхонага борсам, бечора овсиним (ахир, ўзининг ҳам мазаси йўқ эди!) боламнинг бошида парвона. Хали озгизга чой тутати, ҳали қўлоғини укалайти, дам-бадам елпиди. «Боложоним, тузукмисан, бизни кўрқитма», деб айланиб ўргилляпти. Шукр, ўғлим тез тузалди, аммо мен виждон азобида қолдим. Одам феълини кенг қилиши керак экан, ҳадеб тирноқ остидан кир қидиравермасдан...

Хосият лабини тиллаганча дастурхон попуғини ўйнади...

Махфуза дугоналар ўтириши бўладиган хонадонга борса, ҳамма ҳам бўлган экан. У дугоналари билан бирин-кетин сўрашаркан, Хосиятнинг овсинини кимгадир мактаётгани қулоғига чалинди.

Юлдуз ҲОЖИЕВА

МАҲАЛЛАМИЗ ЁШЛАРИ

НАЗОКАТ ВА ИРОДА ҒАЛАБАСИ



Аёлини улуғлаган, унга юксак эътибор кўрсатган халқ доимо буюк ишларни урдада, эзгуликлар яратишга қодир. Аслида ҳам ҳар қайси миллатнинг маънавияти, аввало, хотин-қизларга бўлган муносабатда, жамиятда аёлнинг тутган ўрнида намоён бўлади. Яратиш ва янгилаш, озод ва обод Ватан қуриш йўлида мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти, куч-қудрати мустақамланиб, кенгайиб боргани сайин юртимизда аёлларга бўлган ҳурмат-эътибор ҳам кучаймоқда, бу йўлда қўлдан кўп хайрли ишларга қўл урилмоқда.

Жамиятимизда аёллар нуфузини кўтартиришга, уларга янада кўпроқ ҳурмат-эътибор кўрсатишга қаратилган

хайрли ишлардан бири 1999 йил 10 июнда Президентимизнинг «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш тўғрисида»ги Фармони бўлди. Бу мукофотнинг жорий этилиши ўтган давр мобайнида қанчадан-қанча қизларнинг иқтидор ва қобилиятларини кашф этиб, қўллаб-қувватлашга имконият берди.

Ана шундайлардан бири спортчи қиз — Зумрадхон Тазетдиновadır. Хали йигирма баҳорни қаршилаб улгурмаган бу қизнинг эришган ғалабалари, қозонган муваффақиятлари

кишини қойил қолдиради.

2006 йилда спортнинг у-шу тури бўйича, 2007 йилда шотокан карате-до бўйича Ўзбекистон чемпиони, «Машрик замин маликалари — 2007» республика кўрик-танловида «Энг назокатли иштирокчи» номинацияси ғолиби бўлган З. Тазетдинова бирин-кетин шўҳрат пиллапояларини босиб ўта бошлади. 2007 йил август ойида Токио шаҳрида шотокан карате-до бўйича VIII жаҳон чемпионатида, 2008 йил Хиндистонда ҳам спортнинг шу тури бўйича V халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллагани туфайли унинг шафафига давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради. Бу ғалабалардан руҳланган, боз устига, она халқимизнинг мададини, ҳукуматимизнинг ишонч-эътиборини дил-дилдан ҳис этиб турган Зумрадхон бундан-да улкан ғалабалар сари дадил оидлади. 2007 йил май ойида Қозғистонда ўтказилган WKF бўйича Осиё чемпионатида ва Бухарестда ўтказилган шотокан карате-до бўйича VI Европа оқич чемпионатларида 2-ўринни қўлга киритди.

— Қизим Зумрадхон 6 ёшидан бери акасига ҳавас қилиб спорт билан шуғулланади, — дейди унинг онаси Р. Тазетдинова. — Бунга сабаб, аввало, оиламиздаги муҳит. Қолаверса, у жуда тиришқоқ. Бирор ишни урдамагунча асло тиниб-тинчмайди. Ҳар бир мусобақага қўл билан тайёргарлик қўриб, ғалаба сари дадил оидлайди. У оиламизнинг она-Ватанининг ишончини оқлашга сидқиқ-дилдан ҳаракат қилади.

2009 йил Зумрадхон учун жуда омадли келди. Шу йилнинг апрель ойида шотокан карате-до бўйича Ўзбекистон чемпионатида 1-ўринни,

май-июнь ойларида Тохикистонда ўтказилган WKF бўйича II Осиё чемпионатида 1-ўринни, июль ойида АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида UFAF федерациясининг мусобақаларида

муваффақиятли иштирок этиб, 1-ДАН қора белбоғ соҳибаси бўлди. Август ойида Япониянинг Токио шаҳрида шотокан карате-до бўйича IX жаҳон чемпионатида 1-ўринни эгаллаб, юртимиз доғруғини дунёга таратди. З. Тазетдинова ўша йили Тошкент Ахборот технологиялари университети талабаси ҳамда «Маданият» йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотиغا сазовор бўлди.

— Бу чемпион қизимиз нафақат маҳалламиз, балки бутун Ватанимизнинг фахридир, — дейди Ҳамза туманидаги З. Тазетдинова истиқомат қиладиган «Авиасозлар» маҳалласи оқсоқоли Эркин Атамов. — Биз маҳалладошлар Зумрадхоннинг ютуқларидан фахрланган ҳолда, ҳар бир ёшнинг соғ-саломаат, баркамол бўлиб-вояга етиши учун астойдил ҳаракат қиламиз. Маҳалла қошида ҳар хил тўғарақлар қатори спорт тўғарақлари ҳам мунтазам фаолият юритиб келмоқда. Бу тўғарақларда фарзандларимиз футбол, енгил атлетика, волейбол сингари спорт турлари билан шуғулланишмоқда. Шу сабабли ҳам маҳалламизда Зумрадхон сингари истеъдод эгалари талғини.

З. Тазетдинова спорт мусобақаларидаги муваффақиятли иштироки учун жами 49 та сертификат, фахрий ёрлиқлар ва дипломлар билан таъдирланган. Бу ютуқларга эришишида у устозлари хизматини алоҳида таъкидлайди. Биз Зумрадхоннинг столи устида терилиб турган фахрий ёрлиқлар, сертификат ва дипломларни, унинг кўксини безаб турган Зулфия мукофоти нишонини ҳавас билан қузатарканмиз, беихтиёр қалбимиз гурурга тўлди. Истеъдод соҳибларини асраб-авайлаб, ҳар жиҳатдан қўмақ ва эътибор берётган она халқимиз, ҳукуматимиздан фахрланамиз. Зеро, ушбу мукофот мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилган юксак ғамхўрлик нишонасидир.

Юлдуз ХОЖИЕВА,
«Mahalla» мухбири.

БОЛАЛАР СПОРТИ

БЎЙДОР, БАҚУВВАТ ВА ЧИНИҚҚАН ЁШЛАР

ЗАМОНАВИЙ спорт мажмуаларидаги тўғарақларда вояга етмоқда

Исковот вилоят марказидан қарийб 40 километр узоқда, тоғ-олди ҳудудда жойлашган кишлоқ. Бу ердаги 26-мактабни эса бугун нафақат Наманганда,

балки бутун мамлакатда яхши билишди. Сабаби мана, 7-8 йилдирки, олис кишлоқдаги ана шу мактабнинг волейболчи қизлари турли мусобақаларда фақат юқори ўринларни эгаллаб келишмоқда. Айниқса, «Умид ниҳоллари»нинг доимий қахрамонига айланган оддий кишлоқ қизларининг спортдаги катта ютуқлари туфайли кейинги йилларда бу ерда битта стадион, мактаб учун эса замонавий лойиҳада барча шароитларга эга спортзал қуриб берилди. Бу ишларга, албатта, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бош-қош бўлди.

— Умуман, 2003 — 2009 йиллар давомида вилоятда 91 та спорт ин-

шоотлари барпо этилган бўлса, унинг 82 таси, яъни 90 фоиз кишлоқ жойларга тўғри келади, — дейди биз билан суҳбатда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Наманган вилоят бўлими раҳбари Ибодулла Жаббаров. — Биргина

Кейинги вақтларда кўп кузатилган, спортга қатнашаётган болалар бошқа тенгдошларига нисбатан анча бўйдор, бақувват, касалликка кам чалинишди. Тўғаракка янги келган бола 2-3 йилда тамоман ўзгариб кетади.

сидаги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 2 та туманда спорт иншоотлари қайта таъмирланди. Бу каби бунёдкорлик ишлари болалар ўртасида спортни оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда вилоят бўйича мактаб ёшидаги ўғил-қизларнинг 40 фоиздан зиёди дарсдан сўнг турли спорт тўғарақла-

рида мунтазам шуғулланиб келмоқдалар. Улар ўртасида ҳар йили «Маҳалламиз пахлавонлари», «Эзги таътил», «Соғлом оила» каби 170 дан ортиқ оммавий спорт тадбирлари уюштирилди. Наманганлик ёшларнинг республика миқёсидаги спорт мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллаётгани ана шу эътибор ва ғамхўрликларга муносиб жавоб, десак янглишмаймиз. Ўтган йили Гулистонда ўтган «Умид ниҳоллари — 2009» мусобақасида ҳам улар умумжамоа ҳисобида 4-ўринни қўлга киритишди. Йил якуни бўйича эса Республика ва халқаро миқёсдаги беллашувлардан тўпланган медаллар сони 76 тага етди.

— Вилоятда қизлар спортига ҳам жуда катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Ибодулла Жаббаров. — Айниқса, синхрон сузиш, бадий гимнастика ва стол теннис турларини ривожлантиришда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 23-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби базасида синхрон сузиш бўйича спорт секцияси ташкил этилди. Шунингдек, спортнинг бадий гимнастика турига қиз болаларни кўпроқ жалб этиш мақсадига вилоят хотин-қизлар кўмитаси, маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида бадий гимнастика заллари ташкил этилган.

Тўрақўрғон туманидаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2008 йилда реконструкция қилинган 33-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида спортнинг регби тури бўйича қизлар бўлими очилиб, бугунги кунда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Спорт мактабларида стол теннис бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Севара Қодирова сингари 170 нафардан зиёд малакали мутахассислар мураббийлик қилишмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги ёшларга нафақат ўқиш, илм олиш, балки жисмоний чиникиш, спортнинг

барча турлари билан шуғулланиш учун етарлича шароит яратиб берилган. Улар билан танишиш асосида беихтиёр кўз ўнгимда болалик, ўқувчилик давримиз намоён бўлди. Бундан атиги 20 йил аввал аксарият кишлоқ мактабларида спорт зали бўлиши фақат оруз эди, холос. Биз ўқувчилар жисмоний тарбия дасис, деганда баҳор ва куз фаслларида очик майдонда футбол ўйнаш, қишда синф хонасидаги доскага чизилган «майдонча»ларни тушунарлик. Бугун биргина вилоят халқ таълими тизимидаги муассасаларда 11 та стадион, 525 та спортзал, 437 та баскетбол, 593 та волейбол, 308 та қўл тўпи майдонлари, жами 2528 та спорт иншоотлари мавжуд.

Эрталаб ишга келаётсам мен ўтирган автобуга 5-6 нафар ўсмир чиқишди. Ёнига спорт сумкаси осиб олган бу болаларнинг ўзларини одобли, оғир, босиқ тутишлари барчанинг эътиборини тортди. Чунки, одатда бундай ёшлар жуда шўх, атрофдагиларга бефарқ, сергап бўлишарди. Уларга ҳамроҳлик қилиб бораётган муаллим ёнимга ўтирган, суҳбатга тортидим. У қарат эътибори мураббийни, ёнидагилар эса шу тўғарак аъзолари экан. Улар вилоят мусобақасига отланишди. Ўзини Раваҳибек, деб таништирган мураббий шундай деди:

— Кейинги вақтларда кўп кузатилган, спортга қатнашаётган болалар бошқа тенгдошларига нисбатан анча бўйдор, бақувват, касалликка кам чалинишди. Тўғаракка янги келган бола 2-3 йилда тамоман ўзгариб кетади.

Ҳа, юртимизда болалар спортига берилётган эътибор келажакки бўлган ёш авлоднинг жисмонан соғлом, иродали, қатъиятли бўлиб камол топиши учун мустаҳкам пойдевор яратяпти.

Жамшид БЕК,
«Mahalla» мухбири.

Дунёдан дараклар

Сармоя миқдори қискарди


РОССИЯ иқтисодида тўғридан тўғри қиритилган сармоя миқдори ўтган йилда 2008 йилга нисбатан 41 фоизга ёки 15,9 миллиард долларга қисқариб кетди. Бу ҳақда мамлакат статистика қўмитаси ҳисоботида айтилган. 2009 йили Россияга жами 81,9 миллиард долларлик сармоя жалб этилган. Энг кўп сармояни Люксембург (11,7 миллиард доллар) киритган.

Ўз навбатида Россия ҳам хорижий мамлакатларга сармоя киритмоқда. 2009 йилда энг кўп Россия сармоясини Швейцария (34,9 миллиард доллар) жалб қилган.



Маълумотларга қараганда, яқин вақт ичида мамлакат иқтисодий ривожланиш вазирлиги Россияда сармоявий вазиятни яхшилаш чоралари режасини ишлаб чиқади.

Fannie Mae кредит сўради



АҚШнинг Fannie Mae ипотека агентлиги ҳукуматдан 15,3 миллиард доллар кредит сўради. Бунга компаниянинг ўтган йилнинг тўртинчи чорагини 16,3 миллиард доллар зарар билан якунлагани сабаб бўлди. Агентликка сўралган пул берилса,

Мактабга ўт қўйишди

ФИЛИППИНнинг Масбате провинциясидаги бошланғич мактаблардан бирини ўқувчиларнинг ота-оналари ёқиб юборишди. Associated Press таъриқланган ахборотда айтилишича, ота-оналар мактаб ўқувчиларини озиқ-овқат билан таъминлаш давлат дастурининг бузилишига қарши шу йўл билан норозилик билдиришди.

Маҳаллий полиция вакилининг таъкидлашича, ёнғиндан ҳеч ким зарар кўрмаган. Чунки ёнғин бўлган пайтда мактабда ҳеч ким бўлмаган. Аммо 5 йилдан 10 ёшгача бўлган 150 нафар ўқувчи билим олаётган мактаб бутунлай ёниб кетган.

Ўқувчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш давлат дастурига бино-



на ҳозир Швеция ҳарбий денгиз кучларининг энг замонавий кемалари ҳисобланади. Улар 1996 йили ҳарбий-денгиз кучлари таркибига олинган ва дунёда Стирлинг двигатели ўрнатилган биринчи сув ости кемаларидир. Соатига 20 узл тезликда ҳаракат қиладиган сувберила турта калибри 533 миллиметрли ва иккита калибри 400 миллиметрли торпедо қуролига эга.

Янги кемалар яратилади



ШВЕЦИЯнинг кема қурувчи Kockums компанияси мамлакат мудофаа вазирлиги моддий таъминот агентлигини ҳам авлод сув ости кемаларини яратиш бўйича буюртма олди. Швеция ҳарбий денгиз кучлари талаби бўйича, янги

кемалар замонавий кузатув аппаратураси ва степс технологияси билан жиҳозланган бўлиши керак. Чунки субмариналардан разведка мақсадида ҳам фойдаланилади.

Gotland классли учта субмарина ҳозир Швеция ҳарбий денгиз кучларининг энг замонавий кемалари ҳисобланади. Улар 1996 йили ҳарбий-денгиз кучлари таркибига олинган ва дунёда Стирлинг двигатели ўрнатилган биринчи сув ости кемаларидир. Соатига 20 узл тезликда ҳаракат қиладиган сувберила турта калибри 533 миллиметрли ва иккита калибри 400 миллиметрли торпедо қуролига эга.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

“02 ХАБАРЛАРИ”

“Шоввозлар”
фoш этилди

СИРДАРЁ вилоятининг Янгиер шаҳар Ш. Рашидов кўчасидан ўтган шаҳар телекоммуникация боғланмасига қарашли 20 метр “ТПП 20х2” ва ТПП 10х2 русумли алоқа кабеллари ўғирлаб кетилгани аниқланди. Қўриғор ишнинг қийини чиқади, деб бежиз айтишмаган. Меҳнат қилмай, мўмай даромад топишни кўзлаган икки нафар шоввоз ИИБ ходимлари томонидан ушланди.

Олиб борилган тезкор суриштирув ва тергов ишлари натижасида ушбу жиноят “Шарк” кўчаси 78-уйда яшовчи, 1990 йилда туғилган М. Силли ва унинг тенгдоши, “Хилола” кўчаси 42-уйда яшовчи К. Бекзод томонидан содир этилгани фoш этилди.

Айни кунда дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бировнинг моли

ЖИЗЗАХ вилояти Ғаллаорол тумани Губини кишлоқ фуқаролар йиғини Маржон қишлоғида жойлашган молхонадан “Абдулҳамид” фермер хўжалиги раиси, 1958 йилда туғилган Сайфидин Турсунбоевга тегишли 2 бош қорамол ўғирлаб кетилган эди.

Жиноят-қидирув ходимларининг кўрган чоралари натижасида бу жиноят фoш этилди. Мазкур жиноятни Қоризий кишлоқ фуқаролар йиғини Муқри қишлоғида яшовчи, 1982 йилда туғилган С. Ақром ва Самарқанд вилояти Пайкент тумани Қаҳрамон кишлоқ фуқаролар йиғини Бешбегиш хўжалигида яшовчи, 1976 йилда туғилган Й. Искандар содир этганликлари аниқланди. Айни пайтда тергов ишлари олиб борилмоқда.

Н. ОЧИЛОВ,
ИИБ Матбуот маркази
бош инспектори.

«Mahalla» газетаси жамоаси газетанинг Жиззах вилояти бўйича мухбири Абдували Қаршиевга акаси Абдурахмон ҚАРШИЕВнинг вафоти муносабати билан чукр таъзия изҳор қилади.

«Маҳалла» жамғармаси Юнусобод туман бўлини жамоаси Туркистон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Омонулла Нурхўжаевга рафиқаси Насиба НУРХЎЖАЕВанинг вафот этганлиги муносабати билан чукр таъзия изҳор этади.

Mahalla

ҳафталик газета

Муассис: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви

Бош муҳаррир

Бахтиёр АБДУСАТТООРОВ



Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

Навбатчи: Моҳичехра Латипова
Мусаххих: Нодира Холмирова
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

Телефонлар:

233-39-89 233-10-73
236-53-93 236-53-75,
236-57-62 Факс: — 233-44-25

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма тобқ. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Корхона манзили:
Тошкент, «Буюк Турон» кўчаси 41.

www.mahallagzt.uz
mahalla@sarkor.uz
mahalla.gz@rambler.ru

22400 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-254

Нашр қўрсатқичи: 148

Часное предприятие (ЧП) «RTI Lider Prom» Чиланзарского района г. Ташкента код по ОКПО 19595496 ликвидируется.

Претензии принимаются в течении двух месяцев со дня публикации по адресу: г.Ташкент ул. У.Насыра 156 В. Тел: 250-71-01

2010 йил – баркамол авлод йили

ЭНГ ФАОЛ МАЪНАВИЯТ
ТАРҒИБОТЧИЛАРИ

фото: Носир Хайдаров

< 11

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори миллий анъана ва қадриятларимизни янада ривожлантириш, йигит-қизлар қалби ва онгидан Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Маънавий-маърифий соҳани замон талаблари даражасига кўтариш, ёшларни мафкурарий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини ошириш ишларини давр руҳига ҳамоҳанг тарзда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги глобаллашув даврида ёшларнинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларда ҳаётга нисбатан теран дунёқараш ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ислохотларнинг мазмун-моҳияти, улардан қўзланган улғў мақсадларни аҳоли, айниқса ёш авлод онгу шуурига етказиш муҳим аҳамият касб этади. «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловидан қўзланган асосий мақсад ҳам фидойи, билимдон ҳамда таъсирчан сўзи, юсак интеллектуал

салоҳияти билан одамларни эгаштира оладиган изланувчан, ташаббускор тарғиботчиларни аниқлаш, уларнинг илғор иш тажрибасини юртимизда кенг оммалаштириш, ушбу йўналишда ўзаро фикр ва тажриба алмашишга имкон яратишдан иборатдир.

— Мустақиллик йилларида юртимизда ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларнинг маънавий-маърифий оламини бойитиш борасида ислохотлар изчил амалга оширилаётган, — дейди кўрик-танловнинг «Республика «Маҳалла» жамғармаси йўналиши» бўйича ғолиби, Марғилон шаҳридаги «Яйилма» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Замира Ўзганбоева. — Бу ислохотлар мазмун-моҳиятини аҳоли, хусусан, ёш авлод онг-шуурига етказиш ўта масъулиятли ва шарафли вазифалардан. Маънавият тарғиботчиси деганда, масъулиятни ўз зиммасига олган, фидойи, билимдон, сўзи таъсирчан, аҳоли манфаати йўлида қўнчоқ, тиниб-тинчимас, ташаббускор инсонларни кўз олдимизга келтирамиз. Барча маҳаллаларда бундай фидойи инсонлар бор. Бугун уларнинг меҳнати муносиб тарзда рағбатлантирилди.

Тақдирлаш маросимида бир неча номинация бўйича ғолиблар аниқланди. Ғолибларга ҳимий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ,
«Mahalla» мухбири.

< 11

Аёлларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломадлигини мустаҳкамлаш, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўйбга чиқариш, оналикни ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовордир. Эндилекда республикамизда дунё тан олган, ўзбек аёли ким эканлигини жаҳонга намойиш қилаётган тadbиркор, шоира, оlima, кўйинги барча соҳаларда хизмат қилаётган аёлларимиз тайагини. Ўтган йилнинг охирида мамлакатимиз Олий Мажлиси Қонунийлик палатасига бўлиб ўтган сайловда сайланган 150 депутатнинг 33 нафари ёки 22 фоизи хотин-қизлардир. Олий Мажлис Сенатидagi сенатор аёллар эса 15 нафарни ташкил этади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, республикамизда аёллар энг нуфузли идораларда, давлат бошқаруви, қонун чиқарувчи органларида масъул лавозимларда меҳнат қилмоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган эътиборни ёш иқтидорларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш учун Президентимиз ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилганида ҳам кўриш мумкин. Шунинг алоҳида қайд этиш лозимки, дунёдаги ҳеч бир мамлакатда биздагидек ёш истеъдодли қизларга давлат мукофотлари берилмайд.

Бугун биргина маҳалла тизими-

да ўн минглаб аёллар хизмат қияпти. Фуқаролар йиғинларида аёл расалар бор. Ҳар бир маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият кўрсатади. Улар ақл-идроки, меҳрибонлиги, сабр-қаноати билан ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла, шу асосда, бутун юртимизда аҳиллик, меҳр-оқибат, самимият, поклик муҳитини мустаҳкамлашга, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

— Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда қай бир жабҳада бўлмасин, муҳтарам аёлларимизнинг фаолиятини кўрасиз. Бу Юртбошимизнинг биз аёлларга кўрсатаётган улкан эътибори ва ғамхўрлиги, яратиб берган шароит ва имкониятлари тўғрисида эканлигини барчамиз кўриб, билиб турибмиз. Маҳалла — катта оила. Ана шу оилани бошқариш, керак бўлса, юзга келган муаммоларни бартараф этиш, аҳолининг ижтимоий манфаатларини қўллаб-қувватлаш каби масъулиятли ишлар бугунги кунда маҳалла тизимида хизмат қилаётган раса аёлларимиз, маслаҳатчи опаларимиз зиммасига катта масъулият юклайди, — дейди пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги «Янги Себзор» маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маъсуда Муртабекова.

Ҳозир республикамизда «Ўзбекистон Қаҳрамони» юсак унвони, Давлат мукофотлари, ҳукума-

ДОРИЛАМОН КУНЛАР ШУКУҲИ

«БИР АСР УМР КЎРДИМ, ШУ КУНЛАРГА
ЕТГЕНИМГА ШУКРОНАЛАР АЙТАМАН»

— **ДЕЙДИ** 1910 йилнинг 8 март куни таваллуд топган
Сарвара ая Камолова

Самарқанд шаҳар 1-Янгирабат маҳалласида истиқомат қилаётган табаррук «онахон» Сарвара ая хонадонини шу кунларда ҳар доимгидан гавжум. Аяни қўшалоқ байрам билан қўлаб, муборақбод қилаётганларнинг қадами узилмади. Юз ёш билан юзлашиб турган онахоннинг эса қўллари дуода.

Яратганга шукр, Юртбошимиз раҳнамолигида бугунги дориламон кунларга етдик. Замонлар тўлғанди, қора булутлар парчаланди, пешонамизга офтоб тегди, мустақилликдек илоҳий неъмат насиб этди. Энди армонимиз йўқ.

Биз кексалар доимо дуодамиз. Юртимизга тинчлик, элимизга омонлик ҳамиша ёр бўлсин. Хурриятимизга кўз тегмасин илоҳим!

Мухбиримиз



ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ОТА-ОНАГА МУҲАББАТ ЭНГ ЯХШИ ФАЗИЛАТ

Яқинда интернет сайтлардан бирида ғалати хабарни ўқиб қолдим. 78 ёшли Лисабондаги кампир ўзи уйда вафот этибди. Лекин унинг ҳаётдан кўз юмганидан қўнчилири 14 кундан сўнг хабар топишибди. Бир қўнчили тасодифан уй ёнидан ўтиб кета туриб, ичкаридан чиқаётган бадбўй ҳидни сезиб, полицияга қўнғироқ қилади. Уй эшигини бузиб ичкарига кирган полициячилар кампирни ўлик ҳолда топишади.

Маълум бўлишича, кампир юрак хуружидан вафот этган экан. Уйда бир ўзи яшагани боис, унинг ўлимидан ҳеч ким хабар топмаган. Португалияда чиқадиган газеталардан бирида эълон қилинган мақолада ёзилишича, Соня исмли бу аёлнинг учта фарзанди бор. Бири Лисабонда, қолган иккитаси АКШда яшайди. Лекин уларнинг ҳеч бири онасининг ҳолидан хабар олганини қўнчилар кўрмаган. Кампир вафотидан сўнг полиция вакиллари унинг Лисабонда яшайдиган ўғлига телефон қилиб, воқеани баён этади. Аммо фарзанд онасининг дафн маросимига ҳам келмайд.

Аслида, бундай воқеалар Фарбда тез-тез учраб туради. Хориж оммавий ахборот воситаларини кузатсангиз, қариганда қаровчисиз қолган, фарзанди уйдан ҳайдаб юборган ота-оналар ҳақида қўлаб хабарлар, мақолалар босилади. Чунки баъзи мамлакатларда бу ҳолат оддий ҳаёт тарзи ҳисобланади. Бунини улар демократия, эркинлик, деб биладилар. Энг ачинарлиси, улар ўзларининг бу «оммавий маданият»ларини бошқа халқлар онига ҳам сингдиришга

уринишади.

Энди ўйлаб кўрайлик. Юқоридаги воқеада тилга олинган кампирнинг фарзандлари нега бунчалик тошбағир? Нима учун улар онаси қариб қолганда аҳолидан хабар олмади, ҳатто вафот этганида қўнчили маросимига ҳам келмади?

Бунга сабабини халқнинг тарихидан, турмуш тарзидан, ҳаётга бўлган муносабатидан излаш керак. Фарбда ота-она ва фарзанд муносабати уларнинг ўз тили билан айтганда, «эркинлик» асосига қурилган. Бола вояга етгандан сўнг ота-она ихтиёридан айро ҳаёт кечиради. Шу боис бўлса керак, фарзандда ота-онига нисбатан меҳр камаяди. Айрим Фарб сиёсатчиларининг фикрича, ҳамма ўзи учун ўзи жавоб бериши керак. Ота-она қариганда фарзанднинг уларга қарашини, аҳолидан хабар олиши бола ҳуқуқининг поймол бўлиши эмиш.

Бундай қараш, бундай тарбия оқибати нималарга олиб келаётганига юқоридаги воқеа яққол мисол бўлади. Ҳозир Фарб давлатларининг барчасида йилдан йилга Қариялар уйи сони кўпайиб бормоқда. Уларга фақат фарзандсиз, қариганда қаровчисиз, уйсиз қолган чолу кампирлар эмас, фарзандлари тирик, нуфузли оилаларнинг ота-оналари ҳам келтириляпти. Бу ҳам биз ҳозир тилга олган фарбона демократия ва эркинликнинг «меvasи».

Яқинда бир ҳамкасбим пойтахт вилоятининг Қибрай туманида бўлган воқеани айтиб берди. Бир ота-онадан тўғилган, бир оилада ўсиб катта бўлган ака-ука ва она-сингиллар мерос таллашиб бир-бири би-

лан юз кўрмас бўлиб кетибди. «Судда улар бир-бирини шундай ҳақоратлашдики, эшитиб уялиб кетдим», дейди ҳамкасбим. Менимча, бундай воқеаларнинг пайдо бўлаётгани ҳам ўша биз юқорида тилга олган «оммавий маданият»нинг одамларимиз онига кўрсатаётган таъсиридир.

Аслида, ўз уйимизни турли оқимлар, оммавий маданиятлар таъсиридан асраш ўзимизнинг қўлимизда. Бунинг учун, аввало, маҳалла, мактаб, оила, жамоатчилик фаол бўлиши лозим. Бундан ташқари, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар масаласи Конституциямизда ҳам белгилаб қўйилган.

Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Конституциясида оила ҳақида алоҳида боб бор. Дунёдаги биронта мамлакат конституциясида бундай боб йўқ. Бахтимиз Қомусининг 64-моддасида: «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгуларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар...», 66-моддасида эса: «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар», деб белгилаб қўйилган. Бу бизнинг Конституциямиз нафақат энг инсонпарвар, балки халқчил, элимиз қадриятлари, анъаналари ўз ифодасини топган Буюк ҳужжат эканлигини ҳам кўрсатади.

Тарихий маълумотларга таяниб фикр юритадиган бўлсак, шўролар ҳукмронлигига қадар бизнинг юртимизда нафақат Қариялар уйи, балки бундай тушунчанинг ўзи бўлмаган. Юртимиздаги ота-она ва фарзанд муносабатлари минг йиллар давомида шаклланган шарқона урф-

одатлар — одамлилик, меҳр-оқибат, ота-онага, катталарга ҳурмат, фарзандлик бурчи каби инсоний тушулчаларга асосланади, таянади. Уйда ота бошлиқ. Ота бўлмаса, она оила бошлиғи ҳисобланади. Оиладаги барча муаммолар ҳамжиҳатликда, катталарнинг маслаҳатига таянган ҳолда ҳал этилади. Бу билан фарзанднинг ҳеч қандай ҳуқуқи поймол бўлмайди. Аксинча, ота-она тарбиясини олган фарзанд ҳаётда йўлини тез топиб олади. Одобли, баркамол бўлиб вояга етади.

Шу боис, ота-она қариганда доимо фарзандлар ардоғида бўлади. Ўзбек фарзанди учун ота ёки онасини қариялар уйига олиб бориш уят, таъбир жоиз бўлса, гуноҳ ҳисобланади. Шўролар даврида бизнинг юртимизда ҳам қўп қаватли уйларда яшовчилар ён қўнчилисини танимаслик ҳоллари тез-тез учраб турарди. Шўрки, мустақиллик тўғрисида маҳаллалар қайта тикланиб, ўзбекона урф-одатлар қарор топти. Тўйлар, маъракаларни бирақла ҳал қилиш, қўнчилар ўртасида борди-қалди яна йўлга қўйилди.

— Чойхоналарда қариллик гаштини суриб, чой ичиб ўтирган кексаларни кўрсам, ўзбек бўлганимдан фахрлини кетаман, — дейди сайхунободлик отахон Шерқул бобо Олимов. — Қариянинг фарзандлар ардоғида бўлишдан ортиқ бахт йўқ дунёда.

«Ота-онага муҳаббат — барча яхши фазилатларнинг асоси», дейди дошилар. Юртимиз ёшлари шундай фазилат эгаси бўлиб вояга етмоқда. Демак, маънавиятимизга, маданиятимизга ёт ғоялар ҳеч қачон ёшларимиз онини забт этолмайд.

Б. БОБОЁРОВ



тимиз ордени ва медалларига сазовор бўлган аёллар жуда кўп. Юртимизда аёллар фаолиятига бағишланган турли тadbирлар, жумладан, «Атиргул» «Йил аёли», «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси», «Энг намунали хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси» каби танловлар ўтказилиб келинаётганим уларнинг жамиятдаги ўрни бекиёс эканини кўрсатмоқда. Президент-

миз томонидан 1999 йилнинг «Аёллар йили», 2001 йилнинг «Оналар ва болалар» йили деб номланиши ҳам аёлларга ҳуқуқимиз томонидан билдирилаётган юсак эҳтиром ифодасидир.

Мухтасар қилиб айтганда, муқаррама оналаримиз бор экан, ҳонадонларимиз файзли ва нурафшон, ҳаётимиз кўркем. Шу боис улар ҳамиша эъзозу эътиборда.

Нигора ИМОМНАЗАРОВА

ТАФАККУР БЎСТОНИ

БИТМАС-ТУГАНМАС МЎЪЖИЗАЛАР МАНБАИ

Оналар оёғи остидадур,
Равзайи жаннат у жинон боғи.
Равза боғи висолни истар эсанг,
Бўл онанинг оёғин тупроғи.

Алишер НАВОЙИ

Миллатнинг келажаги оналар
қўлидадир.

Оноре де БАЛЬЗАК

Кимки аёл ҳуқуқини ҳимоя
қилса, бола ҳуқуқини ҳам ҳимоя
қилган бўлади, бошқача айтганда
— у келажакни ҳимоя қилади.

Виктор ГЮГО

Она муҳаббатидан муқаддасроқ
ва бегаразроқ ҳеч нарса йўқ;
ҳар қандай меҳр-муҳаббат, ҳар
қандай эҳтирос ҳам унга нисба-
тан ё оғир, ё ғаразлидир.

Виссарион БЕЛИНСКИЙ

Ўз муҳаббати билан олишаётган
аёлнинг қатъияти оламда мав-
жуд жами қатъиятларнинг энг оли-
жанобидир.

СТЕНДАЛЬ

Она қалби битмас-туганмас
мўъжизалар манбаидир.

Пьер БЕРАНЖЕ

ФАРЗАНД ЭҲТИРОМИ

ЎГИТЛАРИ ДОИМ
ЙЎЛДОШИМ

Фарзанд ўз онасини яхши кўришини, ўз наватидида она ҳам фарзандига дилдан боғланганини билдириши учун ошқора жар солиши шарт эмас. Зотан, ҳар иккаласи ҳам бу туйғунини қалбдан кечиради, ҳис этади. Бугун эса 70 ёшдан ошган азиз ва мўътабар онам Лолахон Ғуломова ҳақида ўз туйғуларини ошқора баён этишни жоиз билдим.

1963 йилдан яқин-яқингача онам бир жойда — Тошкентдаги 17-шаҳар касалхонасида хизмат қилиб келмоқда. Элга хизмати тўғрисида оёғи-этибдор топди. Дарвоқе, 60 ва 65 ёшларини нишонлагач, «Шунча хизмат қилганингиз етар, энди қариллик гаштини суриб юринг», деган тақлимим жавобсиз қолди.

Ҳар қасбнинг жамиятда ўзига хос ўрни бор, албатта. Бироқ шифокорлик алоҳида касб, зеро, инсон соғалома бўлмаса, унга ҳеч нарса таъминий. Ҳар қасб, ҳар лаҳзада кимларгадир кераклигини ҳис этиб яшашнинг ўзи бахт. Бир уламодан эшитганим: беморнинг тузалиши учун бор эҳтишони аямай, барча амалларини шунга қаратган шифокорга етаридиган савоб тўғрисида билади.

Отам 43 ёшларида вафот этди. Бандаси ҳар қандай жудолликча чидар экан. Онам ҳам чидади. Аммо бир армон онамга сира тинчлик бермайд: «Шифокор бўлиб ҳожамнинг дардига даъво тополмадим», дея кўп эзилади. Лекин бутун бошли оилага яқка-ёғиз устун бўлиб қолганлари учун ҳаммасини ичига ютади.

Дунёнинг ишлари қизиқ экан. Онам нафақа ёшига етган, қарий ўн беш йиллик бош врачлик лавозимини ўз қўллари билан топириб, бўлим мудирлигига ўтди.

Онажоним узоқ йиллардан буюн оилада ҳам ота, ҳам она вазифасини бажариб келяпти. Менинг, Мавлуда ва Гулнора сингилларимнинг олий маълумот олишимизга шароит яратиб берди, барчамизни уйли-жойли қилди. Ҳозир эса бир этак невар, эваранинг дуоғўй бувиси...

Онамининг менга берган, ҳозиргача йўлни юлдуз бўлиб тўғри йўлга бошлаган ўғитларидан бир шингинлини газетхонларга ҳам тортиқ қилишни ўзимга эп билдим. Токи, у бошқаларга ҳам ибрат бўлсин. Мана, онамининг ўғитлари:

«Ўшигинг тақиллашдан тўхтаса, кўрк, бу одамларга нафити тегмай қолганидан дарак.

«Ҳатто душманинг сенга илтижо қилиб келса, уни қуруқ қайтарма, ҳеч бўлмаса тўғри маслаҳатингни бер.

«Ёмон кўрган одамнинг билан ҳам чехрангни очиб, тўғри муомала қил, инсонларга қўлинг билан ҳам, тилинг билан ҳам зарар берма.

«Садақа бериб юриш яхши, аммо қарз сўраган одамга дарров қўмак бер, чунки у шу маблағга муҳтож. Садақа эса ҳар кимнинг қўлга тушади.

«Нокас бўлма, одамлар сендан қочади, саҳий бўл, ўрни ортиғи билан тўлади.

«Рақибининг айбини юзига айтма, айниқса, жанжаллашиб турган пайтинда. Вақт ўтган, хатоларини кўрсат, қилмишидан ўзи уялсин.

«Ҳеч ким насибасидан ортиғини ололмайди, ўтган кунингга шукр қилиб яшашни одат қил.

«Яхшиликнинг катта-кичиги бўлмайди, тўғри маслаҳат ҳам улғў савобдир.

«Олтин қалит — ғўзал муомала ҳар қандай эшикни очади.

Аббор ХОН